

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ЮЛДАШЕВА ДИЛНОЗА УЛУҒБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР
ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҚДИРИ
(1937-1956 йиллар)**

Мутахассислик: 5А 120301 – «Ўзбекистон тарихи»

Ўзбекистон тарихи магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ
тарих фанлари номзоди, доцент**

Андижон-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-9
I боб. МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ	10-23
1.1. Совет давлатининг депортация сиёсати ғарб тарихшунослигида	10-17
1.2. Депортациялар тарихининг МДХ давлатларида ўрганилиши	17-23
II боб. СОВЕТ ДАВЛАТИДА ДЕПОРТАЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ	24-41
2.1. Совет давлатининг депортацион сиёсати ва унинг моҳияти	24-34
2.2. 1930 йилларда совет давлатининг миллий сиёсатида мажбурий кўчиришлар	34-41
III боб. ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ	42-66
3.1. Ўзбекистонга турли этник гуруҳларнинг депортация қилиниши ва уларнинг миллий таркиби	41-54
3.2. Ўзбекистонга депортация қилинганларнинг меҳнат фаолияти ва тарихий тақдири	54-66
ХУЛОСА	67-69
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	70-74
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан унинг маънавий ҳаётида янги давр – уйғониш, ўзликни англаш даври бошланди. Совет давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган тарихни сохталаштириш, нотўғри талқин қилишга барҳам берилди. Эндигина шаклланаётган миллий мафкурамизнинг асоси бўлмиш миллий тарихни қайта тиклаш имконияти пайдо бўлди. Тарих фанининг ривожланишида тарихшунослик тадқиқотларининг кўпайиши, ўрганилаётган муаммоларни тадқиқ этишга тамомила янгича услублар асосида ёндошиш, илгари тадқиқ этилган тарихий воқеалар моҳиятини мутлақо янгича мушоҳада этиш талаб этилади. Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида мавжуд муаммоларни ҳаққоний тарзда ёритиш имконияти туғилди. Тарихни яратишда истиқлолгача бўлган тарихимизнинг у ёки бу муаммоси хусусида билдирилган фикр, мулоҳаза, қарашлар билан танишиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини одилona баҳолаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз фаолиятининг дастлабки давридаёқ, совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини ўрганиш масаласини долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйган эди. У асоссиз равишдаги оммавий қатағонларни кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар маълум бўлаётганини алоҳида таъкидлаган эди¹.

Мустақиллик йилларида ҳаққоний ўрганила бошланган кенг қамровли мавзулардан бири бу совет давлати 1930-1950 йилларда амалга оширган халқларни депортация қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари масаласидир. Депортация сиёсати Сталин бошчилигидаги компартия раҳбариятининг совет халқига нисбатан олиб борган қатағон сиёсатида ўзига хос салмоқли ўрин тутди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 166-бет.

1930-50 йиллардаги депортацион сиёсат натижасида иттифоқнинг турли бурчакларидан, миллий республикалардан депортация қилинган халқларнинг (корейслар, немислар, қрим татарлари, чеченлар, ингушлар, қолмиқлар, қорачойлар, месхети турклари ва бошқалар) маълум бир қисми Ўзбекистон ССР ҳудудларига кўчириб келтирилиб жойлаштирилган. Ўзбек халқи “жазоланган халқлар”нинг бу вакиллариغا нисбатан ўзининг асрий анъаналарига содиқ қолиб, уларни очиқ юз билан кутиб олди, ўзининг сўнгги бурда нонини улар билан бирга баҳам кўрди. Депортацияга учраб, Ўзбекистонга сургун қилинган халқлар ўзбек халқининг юксак меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлдилар.

Ўзбекистонга депортация қилинган халқлар узок вақт давомида НКВД-КГБ органларининг қаттиқ назорати остида яшади, улар махсус комендатуралар рўйхатида турди. Улар иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ва урушдан кейинги оғир машаққатларни ўзбек халқи билан бирга бошдан кечирдилар. Сургундагилар Ўзбекистонда меҳмондўстлик ва биродарликнинг юксак намунасини кўрган бўлсаларда улар ўз туғилиб ўсган ватанларидан ноҳақ айрилган эдилар. Уларнинг беайб, ноҳақдан зўравонларча депортация қилиниши узок вақт давомида тарихшуносликда тадқиқ этилмади. Бунга ҳукмрон мафкура имкон бермади. Мустақиллик шарофати билангина ушбу мавзуни тадқиқ этиш имкони юзага келди.

Истиқлол йилларида советларнинг аҳолини депортация қилиш сиёсатининг у ёки бу масаласига доир, депортация қилинган айрим халқларнинг тақдирига доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлсада бу мавзу бугунгача тўла ўрганилганича йўқ. Ўзбекистонга депортация қилинган халқлар ва уларнинг республикадаги ҳаёти ва фаолиятини ҳамда тарихий тақдирини умумлаштирган ҳолда ўрганиш ўзбек тарихшунослигидаги долзарб вазифалардан бири саналади. Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, ушбу магистрлик диссертациясида Ўзбекистонга депортация қилинган халқларнинг бу

ердаги ҳаёти, меҳнат фаолияти ва тарихий тақдирини ёритиш мақсади қўйилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Совет давлатининг 1930-1940 йиллардаги айрим халқларга нисбатан амалга оширган депортация – яъни мажбурий қўчириш сиёсати магистрлик диссертациясининг объекти ҳисобланади. Ўзбекистонга депортация қилиб келтирилган турли миллат ва элат вакиллариининг бу ердаги ҳаёти ва фаолияти тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертациясида тоталитар мустабид тузум даврида Ўзбекистонга мажбуран депортация қилиб келтирилган халқларнинг оғир қисматини, уларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятини янги илмий адабиётлар асосида тадқиқ этиш мақсади қўйилди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

- Совет давлатининг мустабид, тоталитар характерга эга бўлган тизим эканини ёритиш ва бу тузум даврида амалга оширилган депортациялар тарихига оид илмий адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- Сталин ва унинг ҳаммаслакларининг яккахукмронлик диктатураси даврида депортацион сиёсатнинг юзага келиш омиллари, сабаблари ва ундан кўзланган мақсадларни таҳлил этиш;
- Совет давлатидаги депортациялар ва депортацион сиёсат босқичларини таҳлил этиш асосида бу сиёсатнинг қатағончилик моҳиятини очиб бериш;
- Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида Ўзбекистонга турли миллат вакиллариининг депортация қилиниши жараёни, депортация қилинган халқларнинг миллий таркибини ўрганиш;

- Ўзбекистонга депортация қилинган халқларнинг Республикадаги ҳаёти, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги меҳнат фаолиятини ёритиш;
- мажбуран кўчириб келтирилган халқларга нисбатан ўзбек халқининг юксак меҳмондўстлиги ва гуманизми намуналарини ёритиш;
- ўрганилган муаммонинг назарий хулосалари бўйича мазкур мавзунинг ҳар тарафлама ва кенг ўрганиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясида Ўзбекистонга депортация қилиб келтирилган этник гуруҳларнинг бу ердаги ҳаёти, меҳнат фаолияти ва тарихий тақдирига оид маълумотлар миллий истиқлол мафкураси ва ҳозирги замон назарий-услубий талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди. Мазкур Диссертация ишда эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий қадриятларни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилди;
- Совет ҳукуматининг миллий республикаларда ва оз сонли халқларга нисбатан амалга оширган депортацион сиёсатининг қатағончилик моҳияти далиллар асосида ёритиб ўтилди;
- Совет давлатининг 1930-1950 йиллардаги депортация сиёсатининг қатағон моҳияти далиллар асосида кўрсатиб ўтилди;
- Ўзбекистонга депортация қилинган халқлар ва этник гуруҳларнинг миқдори, уларнинг махсус посёлкалардаги контингенти ва дислокацияси бўйича маълумотлар жамланди;

- Ўзбекистонга депортация қилинган халқларга ўзбек халқи кўрсатган юксак меҳмондўстлик намуналари далиллар асосида ёритилди;

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Собиқ СССРда амалга оширилган халқлар депортацияси тарихи “қайта қуриш” йилларида ва

тоталитар тузум кулаганидан кейинги йилларда ўрганила бошлади. Мазкур муаммо бўйича Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўнлаб илмий, публицистик ишлар олиб борилиб, уларда халқларнинг депортация қилиниши билан боғлиқ кўплаб масалалар ўрганилган. Бу тадқиқотларнинг муаллифлари тарихчилар, аҳолишунослар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, ёзувчи ва журналистлардир.

1990 йиллардан эътиборан тарихшунослик фани халқлар депортацияси ва уларнинг махсус посёлкалардаги ҳаёти мавзусига бағишланган бир қанча асарлар билан бойиди. Бу илмий асарлар ва мақолаларнинг муаллифлари асосан Россиялик тадқиқотчилар бўлиб, улар орасида А.И. Кокурин, Н.В. Петров, В.Бердинских, А.Н. Дугин, Г.М. Иванова, П.М. Полян, Н.Ф. Бугай ва В.Н. Земсковларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эгадир¹.

Бу асарларда совет давлати томонидан амалга оширилган депортацияларнинг кўлами, депортацияга учраган халқлар ва этник гуруҳлар миқдори, жойлардаги махсус кўчирилганлар контингенти ҳамда уларнинг сургундаги ҳаёти ва тақдирига оид муҳим маълумотлар жамланган.

Совет давлатидаги депортациялар тарихи ва махсус кўчирилганлар тақдир масаласи ГУЛАГ тарихига оид эълон қилинган архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламларида² ҳам ўз аксини топган. Бу

¹ ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. / Под. пред. акад. А.Н.Яковлева. /Сост. А.И.Кокурин, Н.В.Петров. – М.: Международный фонд «Демократия», 2002. Бердинских В. Спецпоселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. – М.: Новое литературное обозрение, 2005. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – 306 с. Иванова Г.М. История ГУЛАГа. 1918-1958: социально-экономический и политико-правовой аспекты. – М.: «Наука», 2006. 438 с. Полян П.В. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. – М.: Мемориал, 2001. Бугай Н.Ф. Депортация. // «Политический собеседник» – Минск: 1990. №6; Бугай Н.Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений. // «История СССР». – М.: 1991. №1. Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документации НКВД-МВД СССР. //Социологические исследования. – М.: 1990, №11; Земсков В.Н. Массовое освобождение спецпоселенцев и ссыльных (1954-1960) // «Социологические исследования». – М.: 1991, №1; Земсков В.Н. Об учете спецконтингента НКВД по всесоюзных переписях населения 1937 и 1939 гг. // «Социологические исследования». – М.: 1991, №2; Земсков В.Н. Заключение, спецпоселенцы, ссыльнопоселенцы, ссыльные и высланные: статистико-географический аспект. // «История СССР», 1991, №5; Земсков В.Н. Депортации населения. Спецпоселенцы и ссыльные. Заключение. / Население России в XX веке. – М.: 2001. Т.2.

² Документы свидетельствуют: из истории деревни накануне и ходе коллективизации. 1927-1932 гг. Сборник документов. / Сост. В.П. Данилов и др. Под ред. В.П.Данилова, Н.А.Ивницкого. – М.:

хужжат ва материаллар тўпламлари мазкур мавзунинг манбалар базасида муҳим ўрин тутди. Чунки мазкур тўпламларда Ўзбекистон ССР ҳудудларига депортация қилинган корейслар, қрим татарлари, чеченлар, ингушлар ва бошқа этник гуруҳларнинг миқдори, дислокацияси, уларнинг бу ердаги меҳнат фаолиятига доир қўлаб маълумотларни ҳам ўзида жамлаган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам бу ерга депортация қилиб келтирилган халқларнинг кейинги тақдирига бағишланган бир қатор асарлар яратилган. Бу асарларда асосан у ёки бу халқнинг Ўзбекистондаги қисмати ва тақдири ўрганилган. Айтиш мумкинки, бу борада Ўзбекистонда корейс диаспораси тарихига оид салмоқли ишлар бор¹.

Депортациялар тарихи Ўзбекистон тарихшунослигига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган профессор Р.Т. Шамсутдиновнинг коллективлаштириш ва қулоқлаштириш тарихига оид монографияларида ва уч жилдлик архив ҳужжатлари тўпламида ҳам маълум даражада ўз аксини топган².

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Магистрлик диссертациясида мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Бу ишимизда ўрганилаётган муаммони тўғри хал этишда илмий

Политиздат», 1989. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: «РОССПЭН», 2004. ГУЛАГ: его строители, обитатели и герои. /Г.И.Иванова, Т.И.Славко, Г.Ф.Весновская и др. – Франкфурт-на-Майне; Москва: 1999. ГУЛАГ: Главное управление лагерей. / Сост. А.И.Кокурин, Н.В.Петров. – М.: 2000. Дугин А.Н. Неизвестный ГУЛАГ: Документы и факты. – М.: 1999.

¹ Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистан. История и современность. – Т.: 1994. Ким В.Д. Эшелон – 58. – Т.: 1997.

² Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: «Шарқ», 2003. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: “Шарқ”, 2009. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. I-II-III том. /Составители: проф. Р.Т.Шамсутдинов, к.и.н. Б.М.Расулов. Под ред. проф. Д.А.Алимовой. – Т.: «Шарқ», 2006.

билишнинг холислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш каби принципларига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида жамланган маълумотлар, хулосалар ва умумлаштиришлар совет давлатининг 1930-1950 йилларда олиб борган мажбурий кўчиришлар сиёсати тарихини танқидий нуқтаи назардан, холисона ўрганишга имкон беради. Магистрлик диссертациясининг назарий хулосаларидан совет давлатининг депортацион сиёсати тарихини атрофлича ўрганишда, шунингдек, ўзбек халқининг бағрикенглик ва толерантлик анъаналари тамойиллари тарихини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда, диссертацияда жамланган маълумотлардан мазкур муаммо тарихи бўйича китоб ва монографиялар, Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертацияда жамланган маълумотлар асосида олий ўқув юртларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида совет давлатидаги оммавий қатағонлар ва депортациялар тарихи бўйича махсус курслар ташкил этиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, учта асосий боб, хулоса қисмларидан ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 73 бетдан иборат.

I бoб. МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ

1.1. Совет давлатининг депортация сиёсати ғарб тарихшунослигида

Совет давлатининг депортация сиёсати тарихини ўрганиш тарихшунослик фанининг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бири саналади. Депортацион сиёсат масаласи бўйича илк тарихшунослик тадқиқотлари ғарб давлатларида юзага келган. 1956 йилда Америка Қўшма Штатларида Луи де Ионганинг “Иккинчи жаҳон урушидаги немис бешинчи колоннаси” номли монографияси¹ эълон қилинади. Бу монографияда муаллиф Повольже немисларининг депортация қилиниш сабабларини таҳлил қилишга ҳаракат қилган, лекин зарурий манбалар озлиги боис, бу муаммони тўла ёрита олмаган.

Таҳлил қилинаётган мазкур муаммо тарихшунослиги хусусида сўз юритар эканмиз, қайд этиб ўтиш зарурки, ушбу масала хориж тадқиқотчилари эътиборини ҳам тортган ва бу масалага доир айрим тадқиқот ишлари яратилган. СССРдаги махсус посёлкалар тизими тарихи бир неча ўн йиллар давомида совет тарихчилари учун таъқиқланган мавзу бўлиб келгани юқорида айтиб ўтилди. Шу боис, ушбу муаммога доир дастлабки тадқиқот иши хорижда, 1960 йилда – “жазоланган халқлар”ни реабилитация қилиш жараёни бошланганидан уч йил ўтгач, юзага келди. Бу АҚШда нашр қилинган Роберт Конквестнинг “Советларнинг халқлар депортацияси”² китоби эди. Муаллиф ўз китобида аниқ фактик далилларга асосланмасада, мазкур муаммо бўйича – “жазоланган халқлар”нинг депортация қилиниши, унинг хронологияси ва статистикаси ҳақида биринчи бор реал маълумотларни келтирган. Мазкур маълумотлар ичида сургун қилинган “қулоқлар”нинг махсус посёлкалардаги ҳаёт тарзига доир лавҳалар ҳам ўрин олган. Энг муҳими, муаллиф СССРдаги уруш йилларида амалга оширилган этник депортацияларни подшо Россияси давридаги колониал сиёсатнинг узвий давоми сифатида талқин

¹ Ионг, Л. Немецкая пятая колонна во второй мировой войне. Москва: ИИЛ, 1958.

² Conquest R. Soviet deportation of nationalities. – London – New York. 1960.

қилган. Бундай талқинга муаллиф ўта тор даражадаги манбаларга – совет давлатида нашр этилган расмий нашрларга (жумладан, маъмурий хариталар ва энциклопедик нашрларга ҳамда 1926, 1939 ва 1959 йиллардаги аҳоли рўйхатларига), австриялик харбий асирлар кўрсатмаларига, Қозоғистондаги репатриация қилинганлар кўрсатмаларига (улар бу ерда чеченлар билан бирга бўлган эдилар) асосланган ҳолда иш кўрган. Роберт Конквест ўз хулосаларини далиллаш учун ўз китобида 1958 йилда Эльбрусга экспедиция қилган инглиз альпинистлари хисоботларидан (бу даврда болқорлар турли сургун ҳудудларидан Эльбрус ортига қайта бошлаган эдилар) ҳам кенг фойдаланган. Айни пайтда муаллиф ўша даврдаги совет давлатининг биринчи раҳбари Н.С. Хрушчёвнинг КПСС XX съездида қилган махфий доклаидан кўплаб кўчирмаларни ҳам ўз китобида келтириб ўтган.

Фойдаланилган манбаларнинг бундай узук-юлуқлигига қарамай, Р.Конквест СССРдаги халқлар депортацияси хронологияси ва депортация масалаларига боғлиқ бирмунча ҳақиқатга яқин маълумотларни биринчи бўлиб тарихшуносликка олиб киришга муваффақ бўлган. У биринчи бўлиб СССРдаги халқлар депортация қилинган ҳудудларнинг харитасини ҳам келтиришга муваффақ бўлган¹.

1972 йилда Мартин Гильбертнинг «Рус тарихи Атласи»нинг биринчи наشري эълон қилинди ва бунда СССРдаги этник депортацияларнинг асосий йўналишлари кўрсатилган хариталар ҳам киритилди. Бу хариталар совет давлатидаги 1941-1945 йиллардаги депортацияларнигина қамраб олган эди, холос.

Деҳқон хўжаликларининг кулоқ қилиниши ва этник депортациялар ҳақида А.Солженицин “Архипелаг Гулаг” асарининг “Бизнинг канализация тарихи” бобида ёритиб ўтилган². Сталин даври депортациялари ва махсус посёлкалардаги сургун қилинган

¹ Поболь Н.Л., Полян П.М. Сталинские депортации. 1928-1953. – М.: МФД: Материк, 2005. – С. 14-15.

² Солженицин А.И. Архипелаг Гулаг: опыт художественного исследования. В 3-х томах и 7 частях. – Париж: YMCA-Press, 1973-1975.

контингентлар тақдири Ғарб оламига Парижда нашр қилинган ушбу уч томлик асар орқали кенг маълум бўлган эди. А.Солженицин томонидан тасвирланган манзаралар аниқ манбаларга асосланмаганлиги сабабли унда махсус кўчирилганлар миқдори кескин кўпайтириб юборилган. “Архипелаг Гулаг” мемуар-публицистик характердаги асар бўлганлиги учун ҳам, унда қатағон қилинган шахслар миқдори хусусида аниқ рақамлар ўрин олмаган. Бу машҳур асар дунёнинг кўплаб адабий тилларига оммавий равишда таржима қилинган ва у дунёнинг кўпгина мамлакатлари халқлари бу асар орқали сталинча қатағон сиёсати ҳақида маълум тасаввурга эга бўлганди.

Кўриб ўтилаётган йилларда хорижий давлатларда чоп этилган депортацион сиёсат тарихига оид асарлар қаторида 1978 йилда Нью-Йоркда рус тилида чоп этилган (1979 йилда эса инглиз тилида нашр этилган) совет давлатининг собиқ фуқароси Александр Некричнинг “Жазоланган халқлар” китобини¹ ҳам санаб ўтиш мумкин. Мазкур асарнинг қўлёзмаси муаллиф томонидан 1970 йиллар бошида, муаллиф хали СССРда яшаётган даврдаёқ тайёр бўлган эди. А. Некрич Р.Конквестдан фарқли равишда собиқ махсус кўчирилганлар билан учрашиб, улардан оғзаки ва ёзма маълумотлар олишга, махсус сургун ҳудудларига бориб, у ерлардан ҳам материаллар йиғиш имкониятига эга бўлган эди. А.Некрич ўз китобини ёзишда Иккинчи жаҳон уруши тарихи масалаларига оид бир қатор совет ва ғарб тарихчиларининг асарларидан, СССРнинг чекка миллий ҳудудларида уруш йилларида ва урушдан кейинги йилларда партия қурилиши тарихига доир ишлардан ҳам фойдаланган. Китобнинг алоҳида бир бобида эса Қрим, Калмикия ва Шимолий Кавказдан турли миллат вакилларининг депортация қилиниши, “жазоланган халқлар”нинг СССРнинг турли ҳудудларидаги ҳаёти, уларнинг махсус кўчирилганлик мақоми ва ниҳоят, бу халқларнинг ўз

¹ Некрич А. Наказанные народы. – Нью-Йорк: Хроника. 1978. (Nekrich A.M. The punished peoples. New York, 1979.)

ватанларига қайтарилиш жараёнлари ёритилган. Айтиш мумкинки, бу китобда СССРдаги дастлабки этник депортациялар тарихи кам ўрганилган илмий муаммо сифатида ва алоҳида масала сифатида тадқиқ этилган. Яна шуни қайд этиб ўтмоқ лозимки, айнан Р.Конквест ва А.Некричлар “жазоланган халқлар” муаммосини биринчи бўлиб, илмий-тадқиқот объекти сифатида илгари сурдилар ва бу масалани ўрганиш бўйича илк қадамни қўйдилар.

СССРнинг Узоқ Шарқ ҳудудларидан корейсларнинг мажбуран Қозоғистонга ва Ўрта Осиё республикаларига депортация қилиниши масаласи ғарб тарихчи олимларидан В.Коларз¹, Дж. Стефан², Ко Сон Му³ тадқиқотларида ўрганилган. Хусусан, В. Коларз биринчилардан бўлиб корейсларнинг мажбурий кўчирилиш масаласига тўхталган ва Узоқ Шарқ минтақасидаги мажбурий депортациялар арафасидаги ички ва ташқи сиёсий жараёнларга бирмунча ҳаққоний баҳо бера олган. Хелсинки университети профессори Ко Сон Мунинг монографиясида эса совет корейсларининг этномаданий ҳаёти тарихи анча кенг спектрда тадқиқ этилган, айтиш мумкин уларнинг Қозоғистон ва Ўрта Осиёга депортация қилиниши масаласи ёритилган. Китоб асосан, корейсларнинг Ўрта Осиёга депортация қилинишининг 50 йиллигига бағишланган.

Россия Федерацияси ва МДХнинг бошқа давлатларидаги марказий ва минтақавий архивларидаги махфий фондларнинг очилиши 1980 йиллар охиридан эътиборан СССРдаги депортациялар тарихи муаммосига бўлган қизиқишларни кескин ошириб юборди. Айнан шу даврдан бошлаб бу муаммога бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар эълон қилина бошлади. 1980 йиллар охиридан то бугунги кунларгача СССРда ва Россия Федерациясида халқлар депортацияси ва махсус кўчирилганлар масаласига доир эълон қилинган илмий тадқиқот ишлари бу муаммо

¹ Kolarz W. Russland und seine asiatischen Volker. Frankfurt am Main Europäische Verl. Anst. 1956.

² Stephan, J. The Korean Minority in the Soviet Union // Central Asia Review (Mizan). 1971. Vol.19. No 3. P. 138-150.

³ Songmoo Kho. Koreans in the Soviet Central Asia. Helsinki, Studia Orientalia, 1987. Vol.61.

бўйича ғарб мамлакатларида яратилган тадқиқот ишларини деярли йўқ қилиб юборди. Бу борадаги маълум тадқиқот ишлари кейинги йилларда асосан, Германия Федератив Республикаси (ГФР) да ва АҚШда олиб борилмоқда. Немис тарихчиларидан А.Айсфельд, В.Гердт, В.Кригер, В.Бруль¹ асосан Поволжье немисларининг депортация қилиниши тарихи билан шуғулланган бўлсалар, С.Мерль² эса “қулоқлар сургуни” тарихини тадқиқ этганлар. Д.Дальман ва Г.Хиршфельд³ таҳрири остида нашр этилган асар тарихчи-тадқиқотчиларнинг алоҳида эътиборига сазовордир. Мазкур китоб 1995 йили Германиянинг Мюльхайм шаҳрида ўтказилган тарихшунослик масалаларига бағишланган халқаро конференцияда қилинган маърузалар материалларини ўз ичига олган. Конференция ўз олдига национал-социализм ва сталинизмнинг юзага келиши, унинг сабаблари, моҳияти, оқибатларини, яъни бу икки тизим даврида юзага келган оммавий қирғинлар ҳамда оммавий кўчиришлар тарихини кенг ва ҳар тарафлама муҳокама қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Конференциядан ўрин олган маърузаларнинг салмоқли қисмини жазо лагерлар системаси, кишиларни мажбурий меҳнатга сафарбар этиш масаласига, яъни асосан собиқ СССРдаги ва Германиядаги халқлар депортацияси ва мажбурий кўчириш масаласига бағишланган эди. Шунингдек, маърузалар ичида Белоруссиядан, Украинадан ва Молдавиядан Иккинчи жаҳон уруши йилларида депортация қилинган ва мажбуран кўчирилган халқлар тақдири масаласига доир маърузалар ҳам ўрин олган.

¹ Eisfeld A., Herdt V.(Hrsg.). Deportation, Sondersiedlung, Arbeitsarmee: Deutsche in der Sowjetunion 1941 bis 1956 Koln: Verlag Wissenschaft und Politik, 1995; Dahlmann D. Operation erfolgreich durchgeführt. Die Deportationen der Wolgadeutschen 1941 \ Flucht und Vertreibung: zwischen Aufrechnung und Verdrängung. Wien, Picus-Verlag, 1994.S.201-226; Bruhl V. Die Deutschen in Sibirien . Eine hundertjährige Geschichte von der Ansiedlung bis zur Auswanderung. 2 Bände. Nürnberg, Historischer Forschungsverein 2003; Krieger V. Deportation der Russlanddeutschen 1941-1945 und die Folgen. In: Von der Autonomiegründung zur Verbannung und Entrechtung. Die Jahre 1918 und 1941 bis 1948 in der Geschichte der Deutschen in Russland. Hg. Alfred Eisfeld. Stuttgart, 2008.S.106-122.

² Merl S.Das System der Zwangsarbeit und die Opferzahl im Stalinsmus// Geschichte in Wissenschaft und Unterricht. 1995. Jg.46. Heft 5/6. S. 277-301.

³ Dahlmann D., Hirschfeld G. (Hrsg.). Lager, Zwangsarbeit, Vertreibung und Deportation: Dimensionen der Massenverbrechen in der Sowjetunion und in Deutschland 1933 bis 1945. Essen : Klartext-Verl., 1999

СССРдаги сталинизм давридаги оммавий қатағонлар ва халқлар депортацияси сиёсати Стефан Куртуа етакчилигидаги француз тарихчи олимлари томонидан ёзилган “Коммунизмнинг қора китоби: жиноят, террор, репрессия” номли китобда¹ кенг ва атрофлича таҳлил қилинган.

Халқлар депортациясига доир кўплаб ва хилма-хил манбаларнинг танқидий таҳлили бўйича америкалик олимларнинг, хусусан М.Гельба тадқиқотлари (корейслар, финнлар ва бошқа оз сонли миллатларнинг депортациясига оид ишлар)², П. Холквистнинг ишлари (асосан, Биринчи жаҳон уруши даврида чор Россиясининг, шунингдек, большевиклар Россиясининг илк йилларидаги депортация сиёсати. Муаллифнинг бу борадаги хизмати шундаки, депортациялар сиёсати бўйича большевикларнинг чор Россиясининг меросий давомчиси бўлганини аниқ фактик далиллар асосида таҳлил этган)³ муҳим ўрин тутди. Бошқа бир америкалик тарихчи Й.О. Поль монографиясида⁴ эса СССРдаги 1937-1945 йиллардаги этник тозалашлар тарихи ёритилган.

XX асрдаги Европадаги этник тозалашлар, шунингдек, чеченлар, ингушлар, крим татарларининг депортация қилиниши масалалари Норман Неймарк⁵, Терри Мартин⁶ ва Брайан Вильямс⁷ тадқиқотларида умумий контекстда ёритиб ўтилган. Мазкур муаллифларнинг ҳар бири Россия архивларида сақланаётган мавзуга оид кенг кўламдаги ҳужжат ва материалларни танқидий ўрганиб, илмий муомалага киритганлар. Брайан Вильямснинг монографиясида 1944 йилдаги депортациялар масаласи

¹ Courtois, S... Le livre noir du communisme: crimes, terreur et repression. Paris: Laffont, 1997; Kurtua С. и др: Черная книга коммунизма: преступления; террор, репрессии. – М.: Три века истории, 1999.

² Gelb M. An Early/ Soviet Ethnic Deportation: The Far-Eastern Koreans // *The Russian Review*. July 1985 . Vol. 54. p. 389-412; Gelb M. The Western Finnic Minorities and the Origins of the Stalinist Nationalities Deportation// *Nationalities Papers*. 1996. Vol. 24, No. 2. P. 237-267.

³ Holquist, P. “Conduct merciless mass terror” Decosask ization on the Don, 1919// *Cahirs du Monde russe*. 1997. Vol.28.No. 1-2.P. 127-162.

⁴ Pohl J.O. *Ethnic Cleansing in the USSR, 1937-1949*. Westport, Connecticut, London: Greenwood Press, 1999.

⁵ Nimark N.M. *Fires of hatred: ethnic cleansing in Twentieth-century Europe*. Cambridge, Massachusetts-London, England: Harvard University Press, 2001.

⁶ Martin T. *The Orgion of Soviet Ethnic Cleansing*// *The Jurnal of moden History*. December 1998. Vol. 70. No. 4.P. 812-161.

⁷ Willams B.G. *The Crimean Tatars. Diaspora Experience and the Forging of a Nation*. Leiden, 2000.

крим татарларининг мажбуран кўчирилиши тарихига қаратилган. Норман Неймарк эса ўз тадқиқотида турли даврларда ва турли давлатларда амалга оширилган мажбурий кўчиришлар ва депортациялар муаммосини ўзаро таққослаб таҳлил қилар экан, совет давридаги депортациялар хусусида қуйидагича хулосага келади: “...чеченлар, ингушлар ва крим татарларининг мажбуран кўчирилиши Сталин бошчилигидаги раҳбариятнинг бу халқларга нисбатан геноцид қўлаш, яъни тамоман кириб ташлаш мақсадини акс эттирмас эди. Бу тадбирда шахс жисман сақланган холда миллатнинг тубдан йўқ қилиниши, уларнинг бошқа халқлар билан ассимиляцияланиб кетиши кўзда тутилган эди. Сталин даври депортациялари Гитлернинг яхудийлар ва лўлиларга нисбатан қўллаган геноциди яъни, уларни тамоман кириб ташлаш сиёсатидан шу жиҳати билан фарқ қилади”¹.

Хуллас, ғарб давлатларида СССРдаги халқлар депортацияси муаммосига оид олиб борилган тадқиқот ишларининг таҳлили кўрсатадики, хорижлик олимлар мазкур муаммо тарихшунослигини бойитишда баракали хисса қўшганлар. Мазкур мавзуда тадқиқот олиб боришда ғарблик тадқиқотчилар манбалар базасининг ўта чекланганлигига қарамай, бу муаммони биринчи бўлиб тадқиқ этишга йўл очганлар ва мазкур муаммо бўйича ҳақиқатга яқин бўлган хронологик ва статистик далилларни ўртага ташлаганлар. Шунингдек, СССРдаги этник депортация ҳудудлари харитасини ҳам нисбатан тўғри белгилаганлар. Ғарблик тарихчилар ўз тадқиқотларида ўзларининг анъанавий тадқиқот методларига риоя этган холда, мавзу бўйича олиб борган тадқиқотларида мемуар характеридаги материаллардан кенг фойдаланганлар. Кейинчалик эса, мустабид тузум қулаб, Россия архивларидаги “мутлоқо махфий” тамғаси остида сақланган ҳужжатлардан фойдаланиш имкони пайдо бўлганидан кейин депортацион сиёсат йўналишидаги илмий тадқиқот

¹ Неймарк Н.М. Пламя ненависти: этнические чистки в Европе XX века. – М.: АИРО-XX, 2005. С.162-163.

ишларини янги даражага кўтардилар. Шу сабабли ҳам, бугунги кунда ғарб давлатларида мазкур муаммо бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари давом этмоқда.

1.2. Депортациялар тарихининг МДХ давлатларида ўрганилиши

Совет даври тарихшунослигида халқларнинг мажбурий кўчирилиши, оммавий этник депортациялар тарихига бағишланган махсус тадқиқот ишлар олиб борилмаган. Чунки, депортациялар тарихини тадқиқ этиш, “жазоланган халқлар” кўчирилган ҳудудлардаги тарихий тақдирини ўрганишга мустабид тузум имкон бермаган.

Совет тузуми даврида халқларнинг оммавий депортация қилиниши мустабид тузумнинг энг мудҳиш сиёсатларидан бири бўлиб, Сталин бошчилигидаги совет раҳбарияти бу сиёсат орқали ҳам маълум бир манфур мақсадларни амалга оширган эди. Шу боисдан ҳам депортациялар масаласига алоқадор бутун ишлар ва ҳужжатлар ўта махфий сақланган, бунга алоқадор маълумотлар сир тутилган. Бу маълумотларнинг кичик бир қисмининг ҳам ошкор қилиниши совет давлати ва унинг раҳбариятининг асл башарасини очиб ташлашга етарли бўлар эди. Шу боисдан ҳам, совет давлатидаги халқлар депортациясига оид илк тадқиқот ишлари ғарб давлатларида юзага келган.

1980 йиллар охирида жамиятшуносликда, жумладан тарихшунослик фанида дунёқараш бирмунча ўзгарди. Бу маълум маънода илмий тадқиқотларда сиёсийлаштириш, мафкуралаштиришдан ҳамда догматизмдан чекинишда ўз ифодасини топди. Тадқиқотчилар ва умуман, жамият аъзолари онгида тарихий қадриятларга қайта баҳо бериш, СССРдаги социалистик қурилиш назарияси ва амалиётидаги муаммоларга ҳолисона жавоб топиш фикри юзага келди. Қолаверса, 1980 йиллар охирида тадқиқотчилар учун фойдаланиш умуман мумкин бўлмаган айрим архив ҳужжатларидан махфийлик тамғасининг олинishi,

СССРдаги мажбурий кўчиришлар ва халқлар депортацияси жараёнини тарихий ҳақиқат асосида объектив таҳлил қилиш учун шароит яратди.

“Қайта қуриш” йилларида ошкоралик шабадаси ўлароқ, 1930-1950 йиллардаги оммавий сургунлар, халқларни депортация қилиш ва унинг кўлами масалаларини ёритувчи дастлабки илмий мақолалар эълон қилинди¹. Бу мақолалар асосан турли мемуарларга таяниб ёзилган бўлиб, асосий эътибор халқларнинг депортация қилиниши масаласига қаратилган. Депортация қилинган халқлар миқдорида ҳам аниқ фактларга таянилмаганлиги боис, қатағон кўлами ҳаддан ташқари ошириб кўрсатилган.

Бу йилларда тарихшуносликда катта аҳамиятга эга бўлган янги тадқиқотлар ҳам яратилди. Уларда коллективлаштириш ва қулоқ қилиш жараёни, шунингдек, депортациялар масаласи янгича тафаккур ва илмий билимларнинг янги даражасида объектив ёритилди. Бу каби ишлар каторига умумий хусусиятга эга бўлган О.В.Волобуев, С.В.Кулешов, В.П.Данилов, Н.В.Тепцов мақолаларини киритиш мумкин². Буларда коллективлаштириш ва қулоқ қилишнинг репрессив формалари, мажбурий кўчиришлар танқидий таҳлилга тортилган, қулоқ қилинган, иттифоқнинг чекка минтақаларига депортация қилинган оилалар миқдори ҳақида янги маълумотлар келтирилган ҳамда совет ҳукуматининг 1930 йиллардаги сиёсатига янгича баҳо берилган.

1989 йил ўрталарида СССР Фанлар Академияси Тарих бўлимининг бир гуруҳ тадқиқотчиларига Сталин даври сиёсий қатағонлари кўламини аниқлашлари учун Марказий давлат архиви махфий ҳужжатларидан

¹ Боков Х. Эхо невозвратного прошлого. // Москва. – М.: 1989, №1; Ибрагимбейли Х.М. Сказать правду о трагедии народов // Политическое обозрение. – М.: 1989, №4; Цаплин В.В. Статистика жертв сталинизма в 30-е годы. // Вопросы истории. – М.: 1989, №4 ва бошқалар.

² Волобуев О.В., Кулешов С.В. Очищение. История и перестройка. – М.: 1989; Данилов В.П. Каковы современные оценки коллективизации сельского хозяйства в нашей стране. Историки отвечают на вопросы. – М.: 1989; Его же. Коллективизация... / Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: 1989; Его же. Коллективизация: как это было? / Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. – М.: 1989; Тепцов Н.В. Аграрная политика на крутых поворотах 20-30-х годов. / История и политика КПСС. – М.: 1990; Его же. Правды о раскулачивании. (Документальный очерк) // Кентавр. – М.: 1991, март-апрель; Тетюшев В.И. Становление и развитие экономики СССР и буржуазные критики. Изд. 2-е доп. – М.: 1987.

фойдаланишларига руҳсат берилди. Кейинчалик бу ҳужжатлардан «ўта махфий» тамғаси олиб ташланиб, барча тадқиқотчиларга фойдаланишлари учун очиб қўйилди. Натижада ўтган асрнинг 80-йиллар охири – 90-йиллари бошида даврий матбуот саҳифаларида “таъқиқланган мавзу”нинг айрим муаммо ва аспектларига доир қатор тадқиқотлар эълон қилинди ва улар ушбу мавзу тарихшунослигини анчагина бойитди. Энг муҳими, бу тадқиқотлар депортациялар масаласи бўйича тасаввурларни тамоман ўзгартириб юборди ҳамда мазкур муаммо бўйича тадқиқотчилар қизиқишларини бирмунча кучайтирди.

Бу тадқиқотлардан бевосита халқлар депортацияси масаласига дахлдор бўлган В.Н.Земсков, Н.Ф.Бугай ва бошқа тадқиқотчиларнинг мақолаларини¹ қайд этиб ўтмоқ лозим. Буларда депортацион сиёсатнинг зўравонлик усуллари танкидий таҳлилга тортилган, иттифоқнинг турли минтақаларига сургун қилинган кулоқ оилалари, депортация қилиб юборилган халқлар миқдори ҳақида янги маълумотлар берилган ҳамда совет ҳукуматининг 1930 йиллардаги сиёсатига янгича баҳо берилган.

Мазкур тадқиқотларда ёритилган масалалар бутун иттифоқ доирасида олинган ва асосан статистик ҳарактерда бўлсада, уларда Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидаги “махсус қўчирилганлар” миқдори ҳақида ҳам бир қанча маълумотлар ўрин олган.

СССР парчаланиб, мустақил республикалар ташкил топганидан кейин “жазоланган халқлар” муаммосини тадқиқ этиш янгича методология асосида ва кенг кўламда йўлга қўйилди. 1992 йилдан бугунги кунларгача МДХ давлатларида, асосан, Россия Федерациясида халқлар депортацияси ва уларнинг махсус посёлкалардаги ҳаёти

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документации НКВД-МВД СССР. // Социологические исследования. – М.: 1990, №11. Ўша муаллиф. «Кулацкая ссылка» в 30-е годы. // Социологические исследования. – М.: 1991, №10; Зеленин И.Е. Осуществление политики «ликвидация кулачества как класса» (осень 1930-1932 гг.) // История СССР. – М.: 1990, №6; Бугай Н.Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений. // История СССР. – М.: 1991, №1; Ўша муаллиф. Депортация. // Политический собеседник. – Минск: 1990, №6; Новокшанов Н. Крестьянская ссылка в Сибирь. 30-е годы. // Сибирские огни. – Новосибирск: 1989, №12; Еловских В. Спецпереселенцы. О трагических страницах коллективизации. // Наш современник. – М.: 1989, № 4; ва бошқалар.

масалаларини ёритувчи кўпгина тадқиқотлар яратилди ва улар ушбу мавзу тарихшунослигини анчагина бойитди. Махсус посёлкалар феноменига алоқадор мазкур нашрларни шартли равишда бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Тадқиқотчи Н.Ф. Бугайнинг НКВД-МВД архиви материалларига асосланиб ёзилган мақолалари асосан, алоҳида халқларнинг депортация қилинишига ёки депортацияга учраган халқлар тарихининг маълум масаласига бағишланган¹.

Тадқиқотчи В.Н. Земсков эса ўз тадқиқотларида ГУЛАГнинг таркибий қисми бўлган махсус посёлкалар тизими фаолиятидаги таркибий ўзгаришларни демографик аспектда тадқиқ этган².

Россиялик тадқиқотчи В.Н.Земсковнинг йирик монографик тадқиқотида совет давлатидаги 1930-1960 йиллардаги “қулоқлар сургуни”, мамлакатдаги турли миллатларнинг депортация қилиниши, уларнинг махсус посёлкалардаги дислокацияси, миллий таркиби, меҳнат фаолиятига доир жуда кенг кўламдаги маълумотлар ўрин олган³. Бу тадқиқот ишида СССРдаги махсус колониялар тарихи бошланғичидан то охиригача қамраб олинган бўлиб, муаммо социал-демографик аспектда таҳлил қилинган. Тадқиқотда махсус посёлкалар контингенти миқдори ва дислокациясига доир жуда кенг кўламдаги маълумотлар жамланган

¹ Бугай Н.Ф. Правда о депортации чеченского и ингушского народа. // Вопросы истории. 1991. №7. С. 32-44; Бугай Н.Ф. 20-40-е годы: депортация населения с территории Европейской России. // Отечественная история. 1992. №4. С. 37-49; Бугай Н.Ф., Броев Т.М., Броев Р.М. Советские курды время перемен. – М.: 1993; Бугай Н.Ф. Выселение советских корейцев с Дальнего Востока. // Вопросы истории. 1994. №5. С. 141-148., ва бошқалар.

² Земсков В.Н. Спецпоселенцы (по документам НКВД-МВД СССР) // Социологические исследования. 1990. №11. С. 3-17; Земсков В.Н. Массовое освобождение спецпоселенцев и ссыльных (1954-1960) // Социологические исследования. 1991. №1. С. 5-26; Земсков В.Н. Заключенные, спецпоселенцы, ссыльнопоселенцы, ссыльные и высланные (статистико-географический аспект) // Социологические исследования. 1991. №5. С. 151-165; Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой Отечественной войны. // Социологические исследования. 1992. №2. С. 3-26; Земсков В.Н. Спецпоселенцы (1930-1959 гг.) // Население России в 1920-1950-е годы: численность, потери, миграции: Сб. научн. трудов. – М.: 1994. С. 145-194; Земсков В.Н. Кулацкая ссылка в 1930-е годы: численность, расселение, состав. // Население России в XX веке. – М.: 2000. Т. 1.; Земсков В.Н. Депортации населения. Спецпоселенцы и ссыльные. Заключенные. // Население России в XX веке. Т. 2. – М.: 2000; Земсков В.Н. Судьба «кулацкой ссылки» в 1940-1954 гг. // Население России в XX веке. Т. 2. – М.: 2000.

³ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: Наука, 2003.

бўлиб, улар ичида Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистондаги махсус посёлкаларга алоқадор маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида республикамизда коллективлаштириш ва кулоқ қилиш сиёсатини ҳаққоний ўрганиш сари қадам ташланди. Мазкур мавзу доирасида янги концептуал-методологик тамойилларга асосланиб ёзилган монографиялар яратилди. Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг коллективлаштириш, кулоқ қилиш ва сургун тарихига бағишланган монографик тадқиқотларида¹ муаммонинг бир қатор аспекти - хусусан, кулоқларнинг сургундаги ҳаёти масалалари биринчи маротаба ўзбек тарихшунослигида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси қамраб олинган ҳолда таҳлил қилинган. Бу тадқиқот асарларида Ўзбекистонга депортация қилиб келтирилган турли миллат вакиллари тақдирига оид муҳим маълумотлар ҳам ўрин олган.

2006 йилда Андижон Давлат университетида профессор Р.Т.Шамсутдинов ва доцент Б.М. Расуловлар томонидан тайёрланган уч жилдлик “Ўрта Осиё қишлоқлари фожiasi: коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун 1929-1955 йиллар” номли архив ҳужжат ва материаллари нашр этилди². Бу архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламида Ўрта Осиё республикаларига сургун қилинган “кулоқ” оилалари билан бир қаторда СССРнинг турли минтақаларидан 1930-1950 йилларда депортация қилинган немислар, корейслар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар, қолмиқлар, қрим татарлари ва месхети турклари ҳақида ҳам бир қанча маълумотлар ўрин олган. Бу маълумотларнинг қиммати шундаки, уларда депортация қилинган бу халқларнинг миқдори, улар жойлаштирилган ҳудудлар, депортация қилинганларнинг яшаш

¹ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) – Т.: Шарқ, 2003; Ўша муаллиф. Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати. (А.Мамажонов билан ҳаммуаллифликда) – Т.: Шарқ, 2005; Шамсутдинов Р., ва бошқ. Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.: Шарқ, 2006.

² Қаранг: Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. – Т.: Шарқ, 2006.

шароитлари ва меҳнат фаолияти, уларга нисбатан давлат ва оддий халқ томонидан кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдам масалаларига доир муҳим фактик далиллар ўрин олган.

Ўзбекистонда 1990 йиллардан эътиборан бу ерга депортация қилиб келтирилган айрим халқлар – корейслар ва қрим татарлари ҳаёти ва фаолиятига доир алоҳида тадқиқот ишлари ҳам юзага кела бошлади. Бу тадқиқотлар ичида Ўзбекистондаги корейс диаспораси муаммосига доир тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Бу масалага бағишланган биринчи тадқиқот иши П.Г. Кимнинг “Ўзбекистондаги корейслар” номли монографиясидир¹. Мазкур китобда корейсларнинг 1937 йилда Ўзбекистонга депортация қилинишидан тўғрисида то 1990 йиллар бошигача бўлган ҳаёти ва меҳнат фаолиятига доир маълумотлар ўрин олган. Монографиянинг салмоқли қисми депортация масаласига бағишланган.

Ўзбекистонлик яна бир корейс миллатига мансуб тадқиқотчи В.Д. Кимнинг “Ярим асрдан кейинги ҳақиқат” номли ва “Эшелон - 58” номли китобларида² Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон архивларида илгари махфий равишда сақланган депортация масаласига доир ҳужжатлар асосида яратилган бўлиб, уларда корейсларнинг Узоқ Шарқдан турли республикаларга мажбурий равишда кўчирилишига оид жуда муҳим маълумотлар ўрин олган.

Тадқиқотчи олима А. Раҳмонкулованинг корейслар депортацияси масаласига доир мақолаларида³ эса корейсларнинг Ўзбекистонга депортация қилинигандан кейин уларнинг Ўзбекистон шароитига мослашиши, уларнинг халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги меҳнат фаолияти масаласи ўрганилган. Муаллиф 1937-1938 йилларда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан корейсларни республикага жойлаштириш

¹ Ким П.Г. Корейцы в Узбекистане. – Ташкент: 1993.

² Ким В.Д. Правда – полвека спустя. – Ташкент: 1999; Ўша муаллиф. Эшелон – 58. – Ташкент: 1996.

³ Раҳманкулова А.Х. Изучение истории обустройства переселенных корейцев в Узбекистане // Тезисы докладов 2-международной конференции «Наука и технология в XXI веке». Ташкент 28-29 ноября 2003. С.234; Она же. Документы ЦГА РУз по истории депортации народов в Узбекистан в 1930-е годы (на примере корейцев) // URL: www.world.lib.ru 2004. Она же. Архивные материалы по истории обустройства переселенных корейцев в Узбекистане // URL: [http:// www.world.lib.ru](http://www.world.lib.ru) 2005.

бўйича олиб борган фаолияти ва корейсларнинг янги шароитга мослашиш жараёнларига эътибор қаратган.

Тадқиқотчилар С.М. Хан ва В.С. Ханнинг мақолаларида¹ депортация сиёсатининг сабаблари, корейсларнинг Ўзбекистонга кўчирилиши, республикада корейс совхозларининг ташкил этилиши ва унда корейслар фаолияти масаласи кенг ва атрофлича тадқиқ этилган.

Тарихчи Аскар Джумашевнинг «К истории депортации дальневосточных корейцев в Каракалпакстан (1937-1938)» номли китобида² эса корейсларнинг алоҳида минтақадаги ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар жамланган. Бу китобни тайёрлашда муаллиф жуда кенг кўламдаги архив ҳужжатлари ва материалларидан фойдаланган.

Умуман, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Сталин даври катагонлари тарихини тадқиқ этиш билан бир қаторда халқлар депортацияси ва депортация қилинган халқларнинг Ўрта Осиёдаги, жумладан Ўзбекистондаги ҳаёти ва меҳнат фаолияти тарихига бағишланган тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда, бу борада янгидан-янги маълумотлар илмий муомалага олиб кирилмоқда.

¹ Хан В.С., Хан С.М. Сталинизм: к вопросу о причинах политики депортаций // Известия о коееведении в Казахстане и Средней Азии. – Алматы – Хельсинки, 1993. №4.

² Джумашев А. К истории депортации дальневосточных корейцев в Каракалпакстан (1937-1938). – Ташкент: 2007.

II бoб. СОВЕТ ДАВЛАТИДА ДЕПОРТАЦИЯ СИЁСАТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

2.1. Совет давлатининг депортацион сиёсати ва унинг моҳияти

Депортация ёки мажбурий кўчириш – сиёсий қатағон формаларидан бири бўлиб, муайян давлат томонидан ўз фуқароларига ёки бошқа давлат фуқароларига куч ишлатиш, мажбурлаш орқали амалга оширилади. Баъзи ҳолларда депортация айрим кишилар ёки гуруҳларни жисмоний йўқ қилишнинг муқаддимаси ёки оммавий қатағонларнинг бошланғичи сифатида қўлланган. Бу айнан совет давлати жазо тизимига хос бўлиб, аксарият қатағон қилинган шахсларнинг оила аъзоларига нисбатан кўп бора қўллангани маълум. Айрим ҳолатларда депортация қатағоннинг бошқа бир тури билан, масалан, муддатли ёки муддатсиз сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан бирга татбиқ этилган.

Депортация ҳодисаси икки мезон — “олдини олиш” (превентив) ва “жазолаш” маъноларида таснифланади. Депортация жараёнларига раҳбарлик қилган идораларга тегиши ҳужжатларни ўрганиш асосида яна шундай таснифлаш имконияти туғилди. Бу идоралар жумласига СССР Халқ Комиссарлари кенгаши, Иттифоқдош республикаларнинг Халқ хўжалик кенгашлари, ВКП(б) ўлка қўмиталари, СССР Ички ишлар халқ Комиссарлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети, шунингдек СССР ва РСФСР Халқ хўжалиги кенгашлари ҳузурида иш олиб борган кўчириш бошқармалари ва шу кабилар кирар эди.

Депортациянинг ўзига хос хусусиятларидан бири - унинг қатағон^{*} моҳиятидир. Депортациялар маъмурий ҳамда суддан ташқари тартибда бўлган. Шунингдек депортациялар рўйхатлар бўйича ва контингентлар бўйича амалга оширилган. Иккинчи кўринишда аниқ шахс, индивидуал киши эмас, балки бутун гуруҳлар депортация қилинган. Совет давлатида депортация ҳақидаги қарорлар одатда ОГПУ-НКВД-КГБ органлари

^{*} Қатағон – лотинча «repressio»-жазо чораси, йўқ қилиш, кириш, олдини олиш учун жазолаш маъносини билдиради.

ташаббуси билан, компартия ва совет ҳукумати раҳбарлари томонидан қабул қилинган. Бу эса депортацияларнинг совет суд ва ҳуқуқ тизимига умуман боғлиқ бўлмаганидан далолат беради ва суд орқали жазо белгиланадиган колония ва меҳнат-тузатув лагерлари тизимидан кескин фарқ қилганини кўрсатади.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, депортация ва сургун атамалари маънодош бўлиш билан бирга моҳият нуқтаи назаридан бири-биридан фарқ қилади. Сургун—совет давлати жиноят-ҳуқуқ қонунчилигига кўра жиноий жазонинг кўринишларидан бири бўлиб, у жавобгарнинг яшаш жойидан маҳрум қилиниб, бошқа бир қатъий белгиланган ерда жойлашуви билан боғлиқдир. Совет қонунчилигида сургун жазоси фақат суд ҳукми билангина татбиқ этилиши, унинг муддати 3 йилдан 10 йилгача бўлиши мумкинлиги белгиланган. Сургун муддати асосий жазо сифатида 3 йилдан 10 йилгача, қўшимча жазо сифатида эса 5 йилгача белгиланган. Қонунга кўра, 16 ёшга тўлмаганларга сургун жазосини қўллаш мумкин бўлмаган. Сургун жазосида сургун жойи аниқ белгиланган ва сургун қилинганнинг бу ердаги ҳаракати белгиланган манзилгоҳ (посёлка, комендатура) доирасида чегараланган¹. Шунингдек, жазонинг сургун шаклида сургун қилинганларга нисбатан сургун жойида муайян қатъий тартиб, назорат ва мажбуриятлар жорий қилинган.

Жазонинг депортация кўринишида эса, депортация қилинган шахс ёки гуруҳларга сургундагидек қаттиқ тартиб ва мажбуриятлар белгиланмаган. Лекин умумий ҳолатда иккала шаклда ҳам халқ оммасининг азалдан яшаб келган жонажон гўшасидан жудо қилиниб бегона жойларга юборилиши, яъни, катағончилик хусусиятига кўра бир хил бўлган.

Совет давлатидаги мажбурий миграциянинг ўзига хос хусусияти — унинг бутун иттифоқ бўйлаб феноменал тарқалганлиги ва катта

¹ История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х — первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. / Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. —М.: «РОССПЭН», 2004. — С. 23.

кўламлилиги ҳисобланади. Давлатнинг депортацион сиёсати - совет тузуми умумий қатағон сиёсатининг асосий қисми, қатағонларнинг муҳим воситаси бўлган. Шу боис, депортация социал барпо этишнинг энг муҳим ва самарали қуроли сифатида тафаккур қилинган.

1930-50 йилларда миллионлаб совет кишиларининг мажбурий равишда кўчирилиши жиддий демографик ва иқтисодий оқибатларга олиб келди. Бу оқибатлар аҳоли кўчириб олиб кетилган минтақа учун ҳам, улар янгидан жойлаштирилган минтақа учун ҳам ғоят таъсирли бўлди. Совет давлатининг ўзлаштирилмаган минтақаларга амалга оширган депортациялари икки хил миграцияга - мажбурий ва табиий миграцияга сабаб бўлдики, бу илгари кузатилмаган жуғрофик аҳамият касб этди. Юзага келган бу янги тизимда депортациянинг қатағон сифатида, депортация қилинганларни қатағон қилинган сифатида акс эттирувчи атамалар зарур эди. Совет давлати жазо органлари махсус посёлкаларга тушганларнинг расмий белгиларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқий статусларини белгилади. Яъни, депортация қилиниш шаклига кўра уларни бир-бирига чалкаштирмаслик лозим эди. Бинобарин, суд қарори билан индивидуал шаклда юборилган «сургун қилинган» (*ссылный*) ёки «сургун қилинган киши» (*ссылнопоселенец*) билан суддан ташқари ҳолатда бошқа маъмурий орган қарори билан индивидуал кўринишда сургун қилинган «маъмурий сургун қилинган» (*административно-ссылный*) ўртасида катта фарқ бор эди. Бу терминлар совет давлатига чор ҳукуматидан мерос бўлиб ўтган эди. Аммо советлар даврида оммавий депортациялар шу қадар кўп амалга оширилдики, пировардида янгидан-янги атамаларга эҳтиёж пайдо бўлди.

1930 йилларда «қулоқ» сифатида сургун қилинган деҳқон оилалари ОГПУнинг Лагерлар бош бошқармаси (ГУЛАГ) назоратига олиниб, «махсус кўчирилганлар» (*спецпереселенец*) деб номланди. 1933 йилда бу атама ўрнига «меҳнат кўчиндилари» (*трудпоселенец*) атамаси қўллана бошлади. Қулоқлар жойлаштирилган маконлар «махсус посёлка»дан

«меҳнат посёлкаси»га ўзгартирилди¹. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, сургун қилинган деҳқон оилалари қонунга кўра суд ҳукми билан эмас, балки маҳаллий ижроия органлари қарори билан сургун қилинди. Ажабланарли томони шундаки, бунда сургун муддати белгиланмаган эди, бунинг устига деҳқонларнинг бешикдаги гўдакларигача сургунга юборилди.

Янги контингент деб аталувчи, 1939 йилгача депортация қилинганлар (асосан ғарбий, жанубий ва шарқий чегараларда яшовчи корейслар) ўз статусларига кўра «маъмурий сургун қилинганлар» ҳисобланган. Уларнинг айримлари белгиланган муддатга – беш ёки ўн йилга сургун қилинган эди. 1940 йил апрелида депортация қилинган - отиб ташланган поляк офицерлари оилалари ҳам худди шундай статусга эга эди.

1940 йил февраль-апрель ойларида аввал инкор этилган «махсус кўчирилганлар» (*спецпереселенцы*) атамаси яна қўллана бошлади. ГУЛАГ меҳнат посёлкалар бўлими бошлиғи М.Конрадовнинг НКВД Меҳнат тузатув лагерлари ва меҳнат посёлкалар бош бошқармасига 1940 йил 27 апрелда юборган тушунтириш хатида УССР ва БССРнинг ғарбий областларидан депортация қилинганларни «махсус кўчирилганлар» деб номлаш зарурлиги, бироқ уларни қулоқлардан ташкил топган «меҳнат кўчиндилари» билан адаштирмаслик кераклиги айтилган. Шу билан бирга «кўчирилганлар» (*выселенцы*) ва «кўчириб келтирилганлар» (*переселенцы*) атамалари ҳам юзага келди. Бу атама давлат чегарасининг 800 метрлик полосаларидан депортация қилинган аҳолига нисбатан қўлланган.

1941 йилга келиб, алоҳида аҳамиятдаги депортация қилинганлар (Болтиқбўйи ва Молдавиядан кўчирилганлар) тамоман янги ном билан «сургун кўчиндилари» (*ссылнопоселенцы*) деб аталди. Бу статуснинг

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 16.

Ўзига хос томони шунда эдики, бу ном билан аталувчилар юридик жиҳатдан барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган эдилар. 1944 йил бошларига келиб эса «махсус кўчкдилар» (*спецпоселенцы*) деган атама барча турдаги сургун қилинганларни умумлаштирувчи ном сифатида кун тартибида қарор топди¹.

Депортация давлат учун сиёсий душманлари гуруҳини ўзига хос тарзда назорат қилиш ҳамда уларни зарарсизлантириш воситаси ҳам ҳисобланган. Агар депортация қатағон қилинувчи контингентнинг (синф, этнос, конфессия ва бошқалар) бир қисмига эмас, барчасига нисбатан амалга оширилса бу «тотал депортация» деб аталади. Агар депортация учун этник факторлар асос бўлса, буни «этник депортация» деб тушунмоқ керак. Бу табиий равишда тотал ёки қисман амалга оширилиши мумкин. Яъни, депортацияга бутун этнос эмас, унинг бир қисми юборилса, у қисман этник депортация ҳисобланади. Бунинг учун ижтимоий белгилар кўшимча мезон бўлиши мумкин. Масалан, қулоқлар ёки ижтимоий хавфли унсурлар, ёки бўлмаса этноснинг маълум бир қисмини депортация қилинишига сабаб бўлган улар жойлашган аниқ минтақа – жўғрофик хусусият. Бу кўринишда этноснинг маълум бир салмоқли қисми кўчирилишига кўра, депортация этник хусусиятини сақлайди.

Совет давлатидаги депортациялар ва депортация сиёсати ўзининг динамикаси, зиддият ва хусусиятларига кўра совет давлатининг ташқи ва ички сиёсати маҳсулидир. Бунга кўра, СССРдаги этник депортацияларни икки кўринишда шарҳлаш мумкин: ташқи сиёсат турткисида юзага келган этник депортация ва ички сиёсат таъсирида юзага келган депортациялар.

Биринчи кўринишга дахлдор контингентларга хорижий давлат фуқаролари, шунингдек, совет фуқаролари, совет давлати билан уруш ҳолатида бўлган ёки ўзаро муносабатлар ёмонлашган давлат фуқаро вакиллари киради. Бу кўринишдаги депортациялар профилактика

¹ Сталинские депортации. 1928-1953. / Сост.: Н.Л.Поболь, П.М.Полян. –М.: «Материк», 2005. –С. 34.

вазифасини бажарган. Бу хил депортацияларга поляк, немис, фин, румин этник контингентларини мисол қилиш мумкин.

Иккинчи кўринишга дахлдор контингентларга ўзларининг этник номи билан аталувчи давлатлари бўлмаган СССР халқлари киради. Бу кўринишдаги депортациялар фақат ички вазифаларни бажарган. Бунга Шимолий Кавказ халқлари, қолмиқлар ва ОУНчилар* мисол бўла олади.

Агар депортация совет ҳукуматининг вакиллик органлари томонидан иттифоқ ҳудудида амалга оширилган бўлса, у ички мажбурий миграция, аксинча иттифоқ ҳудудидан ташқарида амалга оширилган бўлса, ташқи мажбурий миграция хисобланади. Урушдан кейин жанубий-шарқий Европа давлатларидан немис миллати вакиллариининг СССРга депортация қилиниши бир томондан Сталиннинг оккупация қилинган Европа давлатларида ўз сиёсий таъсирини кучайтириш, иккинчи бир томондан эса қўшимча ишчи кучи билан таъминланиш мақсадида амалга оширилган эди.

Ички мажбурий миграциялар 1918-1920 йилларда казакларнинг депортация қилиниши билан бошланиб, 1950 йилларнинг бошида «тунеядчилар» ёки «Иегова шоҳидлари» депортациясигача давом этдики, у 6 миллиондан зиёд кишининг тақдирига дахлдор жуда кенг кўламли тарихий ходиса бўлди. Бу тоталитар давлат миграция тизимининг таркибий қисми бўлиб, сиёсий ва иқтисодий факторлар билан асосланган ҳолда амалга оширилган эди. Унинг асосий ўзагини 1930 йиллардаги «кулоқлар сургуни» ва иккинчи жаҳон уруши йилларида «жазоланган халқлар»нинг тотал депортация қилиниши ташкил этди.

Илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда «қатағон қилинган халқ», «депортация қилинган халқ» атамалари тез-тез учраб туради. Айни пайтда бу атамалар бир-бирига охангдош эмас. Чунки, айрим пайтларда

* ОУН – украин миллатчи ташкилоти.

депортация баъзи бир этносларнинг (лўлилар, нўғойлар, қозоқлар) ёки уларнинг бир қисмини ўтроқлашувига ижобий сабаб ҳам бўлган.

Совет даври қатағонларини, жумладан депортацияларни чуқур таҳлил қилганда совет ҳукумати қатағонларнинг синфий мезонларига эмас, ҳамиша этник мезонларига эътибор берганлиги яққол намоён бўлади. Ишчи-деҳқонлар давлати сифатида интернационализм ва синфий ёндашувларни тинимсиз мадҳ этган бу тузум амалда кенг кўламли миллатчилик, айирмачилик мақсад ва усулларини тадрижий ривожлангандир. Бунга ёрқин мисол сифатида «жазоланган халқлар»ни кўрсатиш мумкин. Уларнинг депортация қилиниши жазоланиши бўлган эди. Бу халқ вакиллари ўз ватанларидан оммавий равишда кўчирилибгина қолмай, бошқа шаҳар ва районлардан ҳам чиқариб юборилди, армиядагилари демобилизация қилинди. Бу кўринишдаги этник депортация бутун мамлакатни қамраб олдики, қатағоннинг бу тури илмий тилда тотал депортация деб аталади. «Жазоланган халқлар»дан ватани билан бирга агар мавжуд бўлган бўлса, нисбий давлатчилиги бўлмиш миллий автономияси ҳам тортиб олинди.

Собиқ иттифокда ўнта халқ ўз моҳиятига кўра тотал депортацияга учради. Улардан еттита – немислар, қорачойлар, қолмиқлар, ингушлар, чеченлар, болқорлар ва қрим татарлари депортация натижасида миллий автономиясидан айрилди. Уларнинг умумий миқдори қарийб 2 миллион киши, депортация қилинишига қадар эгаллаган майдони 150 минг кв.км дан кўпроқ эди. Тотал депортацияга миллий автономияси бўлмаган яна учта халқ – финлар, корейслар ва месхети турклари ҳам учради.

Мустабид тузумнинг депортация сиёсати давлатнинг умумий мажбурий меҳнат сиёсати билан мустаҳкам боғланган эди. Ёки бу сиёсатни ГУЛАГ маҳбусларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш амалиёти ва режали-кўнгилли кўчириш билан боғланган ягона жараён деб тушуниш мумкин. Бинобарин, партия-совет раҳбарлари мажбурий меҳнатни эркин меҳнатдан самаралироқ, деб ҳисоблаган эди.

Кўчиришнинг режали-кўнгилли, депортация ва қамоқ-лагер шаклларида меҳнатдан фойдаланишнинг сезиларли фарқлари бўлган, албатта. Режали-кўнгилли кўчириш мамлакатнинг нисбатан қулай иқлимли, ижтимоий шароитлари мавжуд, лекин ишчи кучи танқис минтақаларида амалга оширилган. (Масалан, Шимолий Кавказ ёки Узоқ Шарқнинг жанубий районлари) ГУЛАГ қамоқхоналари эса фақат ўта ноқулай иқлим шароитли районларни ўзлаштиришга ёки ўта махфий объектларни (уран конлари ва ёпиқ шаҳарлар) ишчи кучи билан таъминлашга ихтисослашган эди. Депортация қилинган халқлар билан тўлдирилган махсус посёлкалар юқоридаги икки шакл оралиғида ўзига хос кўриниш касб этган. Депортация қилинганлар жойлаштирилган асосий ҳудудлар Европанинг шимоли, Урал, Ғарбий Сибир, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг ўзлаштирилмаган районлари бўлган.

Совет иттифоқидаги депортациялар амалиётининг ташкилий структураси ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Советлар томонидан депортация қилинганларнинг барчаси ва ГУЛАГ қамоқхоналаридаги совет маҳбуслари алоҳида ташкиллаштирилган ОГПУ-НКВД-МВД органлари назорати остида бўлган. Таъкидлаш лозимки, мажбурий миграциянинг учинчи таркибий қисми бўлган режали-кўнгилли кўчирилганлар ҳам маълум бир муддат НКВД бошқарувида бўлган. НКВДнинг Кўчирув ишлари бўлими дастлаб 1936 йил 22 июлда СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Бутуниттифоқ кўчириш комитети базасида ташкил этилган. 1939 йил 9 августда бўлим НКВД штатидан чиқарилиб, ХКС қошидаги Кўчириш комитети бошқарувига ўтказилади. Қизиқ томони шундаки, бу бўлим НКВД таркибида фаолият кўрсатиб турган вақтда биринчи тотал этник депортация – корейслар сургуни амалга оширилди.

Депортациялар даврининг катта қисмида махсус манзилгоҳлар бўлими ёки унинг ўхшаш муассасалари ГУЛАГнинг бевосита таркибий қисми бўлиб келган. 1930 йиллар бошидаги «қулоқлар сургуни» даврида

ОГПУ таркибидаги Махсус кўчирилганлар бўлими жойлардаги бўлинма ва инспекциялари билан мустақил фаолият кўрсатган¹.

1933 йил 20 апрелда СССР Халқ Комиссарлари Советининг №775/116 рақамли «ОГПУнинг меҳнат манзилгоҳлари ҳақида» қарори билан меҳнат манзилгоҳлари ва махсус посёлкалар тизими ГУЛАГ билан бирлаштирилди ва ягона орган – ОГПУнинг Лагерлар ва меҳнат манзилгоҳлар бош бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма бошлиғи этиб М.Д.Берман, унинг ўринбосарлари ва тегишли бўлим раҳбарлари этиб Я.Д.Рапопорт (лагерлар бўйича) ва И.И.Плинер (меҳнат манзилгоҳлари бўйича) тайинланди². Меҳнат манзилгоҳлари бўлими назоратига қуйидаги контингентлар ўтказилди: а) ёппасига коллективлаштириш районларидан сургун қилинган қулоқлар; б) ғалла тайёрлаш ва бошқа кампанияларга қарши саботаж қилганлар; в) паспортлаштириш бўйича Москва ва Ленинграддан чиқариб юборилган шаҳар фуқаролари; г) саноат корхоналаридан бўшатиш, қишлоқлардан қочиб келган қулоқлар; д) давлат чегаралари ҳудудидан сургун қилинганлар; е) суд ва ОГПУ органлари томонидан 3 йилдан 5 йилгача муддатга сургунга ҳукм қилинганлар³.

1934 йил 10 июлда ОГПУ НКВД сифатида қайта ташкил этилди. Шу йилнинг 27 октябрида Адлия халқ комиссарлигининг меҳнат-тузатув муассасалари НКВД ихтиёрига ўтказилди. Шу муносабат билан лагерлар ва меҳнат манзилгоҳлари бош бошқармаси НКВДнинг лагерлар, меҳнат манзилгоҳлари ва қамоқ жойлари бош бошқармасига айлантирилди⁴. 1941 йил августи охирига қадар меҳнат манзилгоҳлари бўлими ГУЛАГнинг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатди.

¹ Қаранг: Лубянка. ВЧК-ОГПУ-НКВД-МГБ-МВД-КГБ. 1917-1991. Справочник. / Сост.: А.И.Кокурин, Н.В.Петров. -М., Международный фонд «Демократия», 2003. – С. 339.

² История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 195.

³ ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. / Сост. А.И.Кокурин, Н.В.Петров. М.: Международный фонд «Демократия», 2000. (Россия. XX век. Документы). - С. 231.

⁴ ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. - С. 233-234.

1941 йил 28 августда Повольже немислари сургунни арафасида ОСП деб аталувчи НКВДнинг махсус манзилгоҳлар бўлими тузилди. 1941 йил 1 сентябрдаги низомга кўра, бу бўлим совет немисларини ички районларга кўчириш, жойлаштириш ва янги жойлардаги меҳнат фаолиятларини ташкил этиш мақсадида махсус ташкил этилган. Қизиқ томони шундаки, янги ташкил этилган махсус манзилгоҳлар бўлими немислардан аввал депортация қилинган контингентлар бўйича ҳеч қандай масъулиятни зиммасига олмаган. ГУЛАГ бошлиғи В.Г.Наседкиннинг 1941 йил 27 ноябрда НКВД халқ комиссари ўринбосари В.В.Чернишевга юборган хатида Болтиқбўйи, Ғарбий Украина ва Молдавиядан сургун қилинганлар «эгаси йўқлар» (бесхоз) деб аталган¹.

ГУЛАГ таркибида параллел равишда Меҳнат ва махсус манзилгоҳлар бўлими (ОТСП) ҳам фаолият олиб борган. 1942 йил 14 ноябрда НКВДнинг махсус манзилгоҳлар бўлими (ОСП) тугатилиб, унинг функцияси Меҳнат ва махсус манзилгоҳлар бўлимига қайтарилди. Бироқ, 1944 йил 17 мартда, Шимолий Кавказдаги тотал депортациядан кейин НКВД-МВДнинг Махсус манзилгоҳлар бўлими ГУЛАГнинг Меҳнат ва махсус манзилгоҳлар бўлими базасида янгидан қайта ташкил этилди. 1950 йил 14 июлда СССР Министрлар Советининг №3077-1286 сонли қарори билан Махсус манзилгоҳлар Ички ишлар министрлиги тасарруфидан чиқарилиб Давлат хавфсизлиги министрлиги (МГБ) тасарруфига ўтказилди. Бу муассаса таркибида сиёсий ва жиноий сургун қилинганлар, махсус кўчкинди ва бадарға қилинганлар назорати бўйича махсус 9-бошқарма ташкил этилди. Бу бўлимнинг номи кейин яна бир неча бор ўзгартирилди. 1953 йил 14 мартдан МВДнинг «П» бўлими, 1954 йил 30 октябрдан эса МВДнинг 4-махсус бўлими деб атала бошлади. Ниҳоят, 1959 йил 27 мартда махсус сургун қилинганларнинг катта қисми ҳисобдан чиқарилганлиги муносабати билан бўлим тамоман тугатилди, унинг

¹ История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 476.

вазифаси МВДнинг милиция бош бошқармаси зиммасига ўтказилди. Шу тариқа совет мамлакатада узоқ давом этган, ўз таркибида миллионлаб кишиларни ғурбатда сақлаган ҳамда бутун иттифоқ ҳудудларини қамраб олган махсус посёлкалар тизими ниҳоясига етди.

2.2. 1930 йилларда совет давлатининг миллий сиёсатида мажбурий кўчиришлар

1930 йилларда совет мамлакатида 250 та миллий районлар ва 5300 та миллий қишлоқ советлари бор эди. Фақат Ленинград областининг ўзида 3 та миллий район (Карелский, Финский, Вепский) ва 57 та миллий қишлоқ советлари бўлган. Бу ерда миллий мактаблар ҳам бўлиб, уларда дарслар миллий тилларда ўқитиларди. Ленинград областида 1930 йилларда 40 та тилда газеталар чоп этилган, шунингдек бу ерда хитой тилида ҳам газеталар бўлган. Ҳатто фин тилида ҳам радиоэшиттиришлар бериб борилган (бу даврда Ленинградда ва Ленинград областида 130 минг финлар яшаган).

1930 йилларнинг ўрталарида айрим миллий районларда ва автоном республикаларда совет давлатининг миллий сиёсатига қарши фикрлар пайдо бўла бошлади. Бу норозиликлар асосан миллий, хусусан маданият соҳасидаги сиёсатга қарши қаратилган эди. Бу норозилик қарашлари совет давлати олий раҳбариятига миллий этник гуруҳларга қарши қатағон сиёсатини бошлаб юборишга тайёр баҳона бўлди. 1930 йилларнинг ўрталарида Ленинградда кўплаб эстонлар, латишлар, литваликлар, поляклар, финлар ва немислар қамоққа олина бошлади. 1935 йил баҳорида СССР Ички ишлар халқ комиссари Г.Г.Ягоданинг 1935 йил 25 мартдаги махфий кўрсатмасига биноан мамлакатнинг шимоли-ғарбий чегара районларидаги аҳоли мажбуран бошқа ҳудудларга кўчирилди. Бу аҳолининг асосий қисмини финлар ва немислар ташкил этди.

Украина ССРдан эса Польша чегарасига яқин ҳудудлардан немис ва поляк миллатига мансуб 15 минг оила (65 мингга яқин киши) бошқа ерларга – Шимолий Қозоғистонга ва Қарағанда областига сургун қилинди.

1937 йил сентябрь ойида СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б)нинг №1428-326 сонли “Узоқ Шарқнинг чегара районларидан корейс аҳолисини сургун қилиш тўғрисида” махфий қарори чиқарилиб, бу

қарорга биноан 172 минг корейс аҳолиси Узоқ Шарқнинг чегара районларидан бошқа республикаларга сургун қилинди. Бу ҳудуддан аҳолини сургун қилишда қуролли ҳарбий қўшин кучидан ҳам фойдаланилди. Сургун қилинган корейсларнинг катта бир қисми Ўзбекистонга келтирилган. Умуман, 1937 йил охиригача бирин-кетин мамлакатдаги барча миллий районлар ва миллий қишлоқ советлари тугатиб юборилди. Аини вақтда автономиялардан ташқарида миллий тиллардаги мактаблар ҳам ёпилди, миллий тиллардаги адабиётларнинг нашр этилиши тўхтатилди.

1943-1944 йилларда қолмиқлар, ингушлар, чеченлар, қорачойлар, болқорлар, қрим татарлари, нўғайлар, месхети-турклари, понтия греклари, болгарлар, қрим лўлилари, курдлар бирин-кетин оммавий равишда депортацияга учради. Улар асосан оккупация қилинган ҳудудларда немис-фашистларга хайрихоҳлик қилганликда айбланган эди. Агар мавжуд бўлган бўлса, бу этник гуруҳларнинг миллий автономияси ҳам бекор қилинди. Умуман, Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРда 61 миллатга мансуб этник гуруҳлар ва халқлар депортацияга дучор бўлди.

СССР Олий Советининг 1941 йил 28 августдаги қарори билан Поволжье немисларининг автоном республикаси тугатилди. Автоном республикада яшаётган 367 минг нафар немислар мамлакатнинг шарқиға – асосан Ўрта Осиё республикаларига кўчирилди. Уларни кўчиришдан аввал тайёргарлик кўришлари учун аҳолиға атиги 2 кун муҳлат берилган. Шунингдек, немислар Коми республикасига, Уралға, Қозоғистонға, Сибирға ва Олтой ўлкаларига ҳам кўчирилади. Хатто, ҳарбий хизматда бўлган немислар ҳам армиядан демобилизация қилинган.

1942 йилда 17 ёшдан юқори бўлган совет немислари ишчи колонналарига мобилизация қилина бошлади. Бу немислар турли ишларда фойдаланилди, заводлар қурди, ўрмон хўжалигида ва конларда меҳнат қилди.

Уруш йилларида СССРнинг миллий халқларигина эмас, балки немис-фашистлар коалициясига аъзо бўлган мамлакат халқларига мансуб миллат вакиллари – венгерлар, болгарлар ва финлар ҳам депортация қилинди. Уруш даврида Ленинград fronti Ҳарбий Советининг 1942 йил 20 мартдаги қарорига кўра, фронт чизигида жойлашган 40 мингга яқин немислар ва финлар шу йилнинг март-апрель ойларида бошқа ҳудудларга депортация қилинди. Ҳатто бу миллатга мансуб кишилар урушдан кейин 1947-1948 йилларда ўз ватанига қайтиб келганидан кейин ҳам депортация қилинади.

1939 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Қорачой Автоном Округида 70301 нафар қорачойлар истиқомат қилган¹. 1942 йил август ойи бошидан то 1943 йил январь ойигача улар немис-фашистлар оккупацияси остида қоладилар. Бу ҳол уларнинг ўз ватанларидан бадарға қилинишларига сабаб бўлди. Уларга фашистлар билан ҳамкорлик қилиш айби қўйилган эди. СССР Олий Советининг 1943 йил 12 октябрдаги, СССР Халқ Комиссарлар Советининг 14 октябрдаги қарорларига кўра қорачой миллатига мансуб аҳоли Қорачой Автоном области ҳудудидан Қозоғистон ССРга ва Қирғизистон ССРга депортация қилинди². Сургун қилиш ҳақидаги махфий қарорда “немис-фашистлар оккупацияси даврида кўпгина қорачойлар хоинлик қилдилар, улар немисларнинг советларга қарши тузилган отрядларига ва турли ташкилотларига аъзо бўлиб кирдилар, улар советларнинг виждонли кишиларини, партия аъзоларини немисларга тутиб бердилар, улар СССРнинг ички ҳудудларига Закавказье орқали ўтадиган йўлларни фашистларга кўрсатиб бердилар. Айни вақтда улар совет давлати олиб бораётган тадбирларга қарши душманлик

¹ Всесоюзная перепись населения 1939 года. Национальный состав населения по регионам России. «Демоскоп».

² Николай Бугай. Депортация народов (рус.), Научно-просветительский журнал «Скепсис».

қилдилар, оккупациядан кейин эса немисларга сотилган кишиларни ва бандитларни яширишга уриндилар”, дейилган эди¹.

Қорачой халқини депортация қилиш жараёнида Қизил армиядан 53327 нафар аскар сафарбар қилинди ва 1943 йилнинг 2 ноябрида уларни қўчириш ишлари якунланди. Депортация якунларига кўра, Қирғизистон ССР ва Қозоғистон ССРга 69267 нафар қорачой сургун қилинди².

1942 йилнинг август ойи бошларида Калмикиянинг катта ҳудудлари ҳам немис-фашистлар оккупацияси остига тушиб қолган эди. Улар фақатгина 1943 йил ўрталарида озод қилинди. 1943 йил 27 декабрда СССР Олий Советининг, 28 декабрда эса В.Молотов имзолаган СССР ХКСнинг “Калмикия Автоном Совет Социалистик Республикасини тугатиш ва қалмиқларни Олтой, Краноярск ўлкаларига, Омск ва Новосибирск областларига сургун қилиш тўғрисида”ги қарорлари эълон қилинди. Қалмиқларни депортация қилиш операцияси махфий кодли “Улуслар” номи билан олиб борилди ва унда НКВДнинг 2975 нафар офицерлари, шунингдек, НКВДнинг мотоўқчи полки иштирок этди. Бу операцияга Иваново област УНКВД бошлиғи генерал-майор Маркеев бошчилик қилади³.

1944 йил 29 январда СССР Ички ишлар халқ комиссари Л.Берия “Чечен ва ингушларни сургунини ўтказиш тартиблари тўғрисидаги Инструкция”ни имзолади. Шу йилнинг 31 январиди эса СССР Мудофаа Давлат Комитетининг “Чеченлар ва ингушларни Қозоғистон ва Қирғизистон ССРга сургун қилиш тўғрисида” махфий қарори чиқарилади. Л.Берия 1944 йилнинг 20 феввалида ўринбосарлари И.А.Серов, З.Кобулов ва С.С. Мамуловлар билан бирга Грознийга келиб, сургун операцияларига шахсан ўзи бошчилик қилади. Бу операцияни амалга оширишда НКВД, НКГБ ҳамда “СМЕРШ” органларининг 19 мингдан ортиқ оператив

¹ Павел Полян. Принудительные миграции в годы второй мировой войны и после ее окончания (1939–1953) (рус.), тето.ру.

² Бердинских В. А. Спецпоселенцы: Политическая ссылка народов Советской России. — М., 2005. С. 650.

³ Виктор Николаевич Земсков Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. — Наука, 2003. — С. 108.

ходимлари қатнашди. Шунингдек, чечен ва ингушларни депортация қилиш жараёнида бу халқларнинг қуролли қаршилик ҳаракати содир бўлиши мумкинлиги гумон қилиниб, НКВДнинг 100 мингдан ортиқ қуролли қўшини шай ҳолатда ушлаб турилди¹. Берия 21 февраль куни операцияни бошлаш ҳақида буйруқ беради. Кейинги куни эса у республиканинг совет-партия раҳбарлари ва юқори диний раҳнамолари билан учрашиб, уларга амалга ошириладиган операцияни айтиб, уларга бу ҳақида маҳаллий аҳолига маълум қилишни билдиради. 23 февраль куни эрталаб эса сургун қилиш операцияси бошлаб юборилди. Чеченлар ва ингушларни депортация қилиш 1944 йил 23 февраль куни маҳаллий вақт билан тунги 2.00 да бошланиб, 1944 йил 9 март куни якунланди. Бу операция “Пантера” кодли номи билан юритилган. Бу операция пайтида бир қисм маҳаллий аҳоли тоғларга қочиб кетишга уринган, лекин улар НКВДнинг отрядлари томонидан кириб ташланган². Расмий маълумотларга кўра, операция давомида 780 киши ўлдирилган, 2016 нафар “антисовет унсур” камоққа олинган, 20 мингдан ортиқ ўқотар қуроллар – 4868 та милтиқ, 479 та пулемёт ва автоматлар тортиб олинган. Маҳаллий аҳолидан 6544 киши тоғларга қочиб яширинишга муваффақ бўлган³.

1944 йил 24 февралда Л. Берия Сталинга болқорларни сургун қилиш ҳақида таклиф киритади. 26 февралда Берия НКВДга “Кабардин-Болқор АССРдан болқор халқини сургун қилиш тадбирлари тўғрисида” буйруқ беради. Бу буйруқдан бир кун аввал Берия, Серов ва Кобуловлар Кабардин-Болқор АССР партия комитети секретари Зубер Кумехов билан учрашиб, бўлғуси депортация ҳақида фикрлашган эдилар. 1944 йил 5 мартда СССР Мудофаа Давлат Комитетининг болқорларни сургун қилиш ҳақидаги қарори чиқарилди. 8-9 март кунлари эса сургун операциялари

¹ Павел Полян. Принудительные миграции в годы второй мировой войны и после ее окончания (1939–1953) (рус.), тето.ру.

² Бердинских В. А. Спецпоселенцы: Политическая ссылка народов Советской России. — М., 2005. С. 655.

³ Зарифов Э. «Записки коменданта». М., 1990, с.194.

бошланади. 1944 йил 11 мартда Берия Сталинга “сургун операцияси якунлангани ва 37103 болқор сургун қилингани” ҳақида ахборот беради.

1944 йил давомида Қримдан жами 228 543 киши бошқа ҳудудларга депортация қилинди. Улардан 191014 киши (47 мингдан ортиқ оила) қрим-татарлар эди. Сургундан аввал ҳар бир ўсмир татарга тилхат ёздирилиб, агар улар сургун жойидан қочиб кетсалар 20 йил муддатга каторга ишларига сафарбар қилиниши ҳақида огоҳлантирилган эдилар.

1944 йил баҳорида мажбурий депортация операциялари Грузияда ҳам амалга оширилди. Март ойининг охирида 3240 кишидан иборат 608 курд ва озарбайжон оиласи “қишлоқ хўжалик ишларини ўзбошимчалик билан ташлаб, Тбилиси шаҳрига руҳсатсиз ўрнашиб олганликда” айбланиб, Грузия пойтахти Тбилиси шаҳридан бошқа ерга – Грузия ССРнинг ички ҳудудларига – Цалкинский, Борчалинский ва Караязский районларига кўчирилдилар. СССР Мудофаа Давлат Комитетининг 1944 йил 31 июлдаги № 6279сс сонли қарори билан Грузия ССРнинг ички районларида истиқомат қилаётган месхети турклари, курдлар, хемшиллар ва бошқа халқлар (асосан озарбайжонлар) сургун қилиндилар. 1949 йил март ойига келиб сургун қилинган озарбайжон “махсус кўчирилганлар” сони 24304 тага етди. Уларнинг аксарияти 1954-1956 йилларда махсус посёлкалар рўйхатидан чиқарилдилар¹.

1948-1953 йилларда Арманистон ССРда яшаётган озарбайжон миллатига мансуб аҳоли сургун қилинди. 1947 йилда Арманистон ССР Компартияси биринчи секретари Г. Арутюнов саъй-ҳаракатлари билан СССР Министрлар Советининг “Арманистон ССРдан озарбайжон колхозчиларини Озарбайжон ССРнинг Араксин районига кўчириш тўғрисида” қарори чиқарилди. Бунинг натижасида Арманистон ССРдан 100 мингдан ортиқ озарбайжон аҳолиси кўчириб юборилди. Бундан

¹ Бугай Н.Ф., М.И. Мамаев Турки-месхетинцы: Грузия, Узбекистан, Россия, США. — 2009. — С. 102.

ташқари 10 минг озарбайжон 1948 йилда, 40 мингги эса 1949 йилда, 50 мингги эса 1950 йилда кўчирилди.

НКВД бошлиғи Берия 1944 йил 24 июлда № 7896 сонли расмий хат билан Сталинга мурожаат қилиб, хатда Грузия ССРнинг Туркия билан чегарадош районларида яшаётган месхети туркларининг Туркия давлати билан яқиндан алоқада бўлгани, бу давлат фуқаролари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиб, эмиграцион кайфият юзага келгани ҳамда Туркиядан контрабанда йўли билан турли ашёлар олиб ўтилаётганлигини маълум қилган эди. Бундай ҳаракатлар натижасида Туркиядан СССР ҳудудларига турли жосуслар ҳам келаётганлиги маълум қилинган эди. Ушбулардан келиб чиқиб, Берия Сталинга Грузия ССРнинг Ахалцих, Ахалкалак, Адиген, Аспиндз ва Богдановск районларидан ҳамда Аджария АССРнинг бир қатор қишлоқ советларидан 16700 месхети турклари оиласини бошқа республика ҳудудига сургун қилиш таклифини билдирган эди. 1944 йил 31 июлда СССР Мудофаа Давлат Комитетининг № 6279 сонли “мутлақо махфий” тамғаси остидаги “Грузия ССРдан 45516 нафар месхети туркларини Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ССРга сургун қилиш тўғрисида” қарори чиқарилди. Месхети туркларини депортация қилиш операциясига Бериянинг ўринбосари Б.Кобулов ва Грузия ССР НКВД бошлиғи А. Рапавалар бошчилик қилдилар. Бу операцияни амалга оширишда НКВДнинг 4 мингдан ортиқ оператив ходимлари жалб қилинди.

1957-1958 йилларда қолмиқлар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар ва болқорларнинг миллий автономияси қайта тикланди. Бу миллат вакилларига ўзларининг тарихий ватанларига қайтиб боришларига руҳсат берилди. Жазоланган халқларнинг ўз ватанларига қайтиши осонлик билан бўлмади. Лекин депортация қилинган кўплаб халқларнинг (месхети турклари, греклар, корейслар) миллий автономияси қайта тикланмади ва уларнинг тарихий ватанларига қайтиб кетишларига руҳсат берилмади.

1964 йил 28 августда СССР Олий Совети Президиуми оммавий депортациялар бошланганидан 23 йил ўтиб, совет немис аҳолисига нисбатан татбиқ этилган чеклов актини бекор қилди. Немис аҳолиси мамлакатнинг барча ҳудудларида эркин юриш ҳуқуқига эга бўлди. 1972 йили эса уларга ўзларининг туғилиб ўсган жойларига қўчиб боришларига ҳам руҳсат берилди.

СССР Олий Советининг 1989 йил 14 ноябрдаги Декларациясига мувофиқ Сталин ҳукмронлиги йилларида депортация қилинган халқлар ноҳаддан жазолангани тан олиниб, уларга нисбатан ноҳақлик қилингани ва қатағон жазолари қўллангани эътироф этилди ва бу халқлар тўла реабилитация қилинди.

III бoб. ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ

3.1. Ўзбекистонга турли этник гуруҳларнинг депортация қилиниши ва уларнинг миллий таркиби

1930 йилларнинг бошида, яъни қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида бадавлат деҳқон хўжаликлари ижтимоий белгиларига кўра сургун қилинган бўлсалар, 1930 йилларнинг ўрталаридан эътиборан совет мамлакатада аҳолини оммавий сургун қилиш ёки мажбурий кўчириш этник белгиларга кўра амалга оширила бошлади. 1935 йил февраль ойининг охири – март ойининг бошларида Ленинград областида “собиқлар”нинг катта масштабдаги кўчирилиши амалга оширилади. “Собиқлар” асосан дворянлар, чор армияси офицерлари, жандармлар, полициячилар, фабрикантлар, черков хизматчилари, йирик мулк эгаларидан иборат эди. Улар бутун оила аъзолари билан бирга депортация қилиндилар. Бу оммавий кўчиришга 1934 йилнинг 1 декабрида С.М. Кировнинг ўлдирилиши баҳона бўлган эди. Бу операция давомида Ленинград шаҳри ва областидан 11 мингдан ортиқ киши кўчирилди. Уларнинг асосий қисми Куйбишев областига сургун қилинди.

1935 йилнинг апрель-май ойлари давомида эса Ленинград областининг Финляндия билан чегара полосаларини “хавфли унсурлар”дан тозалаш баҳонаси остида бу ҳудуддаги финлар ҳам бошқа ўлкаларга кўчирилди. Бу операция натижасида 5059 фин оиласи (23217 киши) сургун қилинди. Улардан 1556 киши Ғарбий Сибирга, 7354 таси Свердловск областига, 1998 таси Қирғизистонга, 3886 таси Тожикистонга, 2122 таси Шимолий Қозоғистонга ва 6301 таси Жанубий Қозоғистон махсус посёлкаларига сургун қилинди¹. Сургун қилинганлар сургун

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 78.

жойида “махсус кўчирилганлар” мақомига эга бўлди ва улар сургундаги собиқ кулоқлар билан бирга жойлаштирилдилар.

Бу операциялардан кейин совет давлатида этник ва миллий белгиларга кўра айрим халқларни оммавий депортация (мажбурий кўчириш) қилиш кенг тус олди. 1937 йилнинг сентябрь ойи охирларида Узоқ Шарқда истиқомат қилаётган корейслар Қозоғистон ва Ўзбекистонга кўчирилди. Бу кўчиришга Узоқ Шарқда СССРга чегарадош бўлган Япониянинг совет давлатига ҳарбий ҳужум уюштириш эҳтимоли борлиги ва бу урушда Кореянинг японлар томонида туриб, советларга қарши курашиши мумкинлиги, бу ҳудудда яшаётган корейслар эса ўз миллатдошларини қўллаб-қувватлаши мумкинлиги баҳона вазифасини бажарди.

Корейсларнинг Узоқ Шарқдан сургун қилинишига СССР МИК ва ХКСнинг 1937 йил 21 августдаги № 1428-326сс сонли қарорлари ҳуқуқий асос бўлди. Қарорда депортацияга асос сифатида 1937 йилда 7 июлда япон кўшинларининг Хитойга бостириб кириши кўрсатилади. Корейсларнинг депортацияси СССРда фуқаролар урушидан кейин этник белгисига кўра биринчи оммавий кўчириш бўлган. Бу тадбир натижасида Узоқ Шарқдан 172 минг киши (уларнинг асосий кўпчилигини корейслар, 7 минггини хитойлар, маълум бир қисмини эса немислар, поляклар, прибалтлар ва харбин репатриантлари ташкил қилди) депортация қилинди.

1937 йилда депортация қилинганлардан 95526 таси Қозоғистонга, 76525 таси Ўзбекистонга жойлаштирилди, қолганлари эса майда гуруҳлар ҳолида Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистонга, шунингдек, Сталинград области ҳудудларига кўчирилди. Депортация қилинган корейсларнинг тўла ҳуқуқли фуқаролик статуслари сақланиб қолди, улар “махсус кўчирилганлар” саналмас эди.

Архив маълумотларининг гувоҳлик беришича, 1937 йилнинг октябрь–ноябрь ойларида Ўзбекистонга Узоқ Шарқдан 16307 корейс

оиласи (74500 киши) кўчириб келтирилган¹. Корейслар эркин фуқаролар бўлиб, улар махсус кўчирилганлар ҳисобига киритилмаган. 1944 йилда Қримдан татарлар, греклар, арманлар, болгарлар, Шимолий Кавказдан чеченлар, ингушлар, балқарлар, қорачойлар, Грузиядан Месхетия турклари, курдлар, ҳамшаллар ва бошқа халқлар кўчириб келтирилди. 1950 йил 1 июлгача бўлган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ССРда махсус кўчирилганлар сони 184122 кишини ташкил этган², улар республиканинг вилоятлари ва туманларига жойлаштирилди. Фарғона вилояти бўйича кўчирилганларнинг сони ва таркиби кўриб чиқилганда қуйидаги маълумотлар аниқланди.

1938 йилнинг 15 ноябригача Фарғона вилоятидаги 64 та колхозга 1130 та корейс хўжалиги жойлаштирилган³. 1939 йилги Бутуниттифок аҳоли рўйхатида қайд этилишича, Фарғона вилоятида корейслар сони 10572 кишини ташкил этган⁴.

1937 йилда Арманистон ва Озарбайжонда яшаётган курдлар Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистонга кўчирилдилар. Бу тадбир натижасида 425 курд оиласи (2100 киши) кўчирилди.

1938-1939 йилларда эронийлар депортацияси амалга оширилди. Бунга СССР ХКСнинг 1938 йил 8 октябрдаги “Озарбайжон ССРнинг чегара районларидан эронликларни кўчириш тўғрисида”ги қарори асос бўлди. Бу депортация натижасида 2081 нафар эронийлар Шимолий Қозоғистонга кўчирилди. Уларнинг 952 таси Туркменистондан, 321 таси Озарбайжондан, 267 таси Ростов областидан, 191 таси Украина ССРдан, 99 таси Доғистон АССРдан, 70 таси Оржоникидзе ўлкасидан, 45 таси Саратовдан, 18 таси Воронеждан, 18 таси Чечен-Ингуш АССРдан, 16 таси

¹ Павел Полян. Принудительные миграции в годы второй мировой войны и после ее окончания (1939–1953) (рус.), memo.ru.

² Депортация народов СССР (1930-1950-е годы). 1 часть. Документальные источники ЦГАОР высших органов власти и органов госуправления СССР. Материалы к серии. «Народы и культуры». Выпуск 12. – М., 1992. – С.168.

³ Ким П. Г. Корейцы республики Узбекистан: история и современность. – Т., 1993. – С.170.

⁴ Всесоюзная перепись населения 1939 года: Основные итоги. – М.: Наука, 1992. – С. 74.

Ўзбекистон ССРдан, 14 таси Сталинград областидан, 10 таси Ленинград областидан ва бошқа жойлардан кўчирилдилар¹. Умуман, 1938-1939 йилларда 8 мингдан ортиқ эронийлар кўчирилди, улардан 6300 таси Озарбайжон ССР ҳудудларидан кўчирилган эди. Улар асосан Қозоғистон ва Қирғизистон ССРга жойлаштирилдилар.

Халқларни этник белгиларига кўра мажбуран бошқа ҳудудларга депортация қилиш урушгача бўлган даврда ва уруш йилларида кенг миқёсда олиб борилди. Бу йилларда бутун-бутун халқлар кўчириб юборилдики, улар замонавий тарихшуносликда “жазоланган халқлар” деб аталади. “Жазоланган халқлар” ёппасига коллективлаштириш йилларида сургун қилинган қулоқлардан тобора бўшаб қолаётган меҳнат посёлкаларини тўлдира бошладилар.

Уруш йилларида СССРнинг турли ўлка ва республикаларидаги махсус посёлкаларга 949829 нафар совет немислари кўчирилди. Уларнинг асосий қисми собиқ Повольже немислари автоном республикасида кўчирилган эди. Уларга совет давлати ишонмаган эди. Сталин совет немисларининг уруш йилларида мамлакат ичидаги “бешинчи колонна” бўлишидан хавфсираган эди. Бу кўчирилганлардан 45 минг нафардан ортиғи Ўзбекистон ССРнинг турли вилоятларига жойлаштирилган.

1941 йил 1 октябрдаги ҳолат бўйича Ўзбекистон ССРдаги махсус посёлкаларда “собиқ қулоқлар” контингенти 11784 тани ташкил этарди. Уларнинг 3840 таси эркаклар, 3086 таси аёллар, 571 таси 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар, 4287 таси 14 ёшгача бўлган болалар эди². Бу контингент кейинги йилларда депортация қилинган халқлар ва этник гуруҳлар ҳисобига тўлиб борди.

1943-1944 йилларда Шимолий Кавказ халқлари – чеченлар, ингушлар, қорачойлар, болқорлар депортация қилинди. Улар СССР Олий

¹ Полян П.М. Не по своей воле...: История и география принудительных миграций в СССР. – М.: 2001. – С. 102.

² Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 99.

Совети Президиумининг 1943 йил 12 октябрдаги, СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 14 октябрдаги қарорлари ва СССР Мудофаа Давлат Комитетининг 1944 йил 31 январдаги фармойишларига кўра депортация қилинди. Бу тадбир натижасида Шимолий Кавказдан жами 608749 киши (362282 чечен, 134178 ингуш, 68327 қорачой, 37406 болқор ва 6556 нафар бошқа миллат вакиллари) сургун қилинди. Буларнинг маълум бир қисми (асосан чеченлар ва ингушлар, қисман болқорлар) Ўзбекистон ССРнинг турли областларига сургун қилинди.

1944 йилнинг май-июнь ойлари давомида Қримдан қрим татарлари, болгарлар, греклар, арманлар ва бошқа майда миллат вакиллари депортация қилинди. Депортация қилинганлар махсус посёлкаларга келиб ўрнашганидан кейин уларнинг рўйхатга олинганлари 228392 нафарни ташкил қилди. Улардан 224740 таси Мудофаа Давлат Комитетининг 1944 йил 11 майдаги фармойиши бўйича (асосан қрим татарлари) депортация қилинган бўлиб, уларнинг барчаси Ўзбекистон ССРнинг Фарғона областига жойлаштирилдилар¹.

1944 йил 6 июнга қадар Фарғона вилоятига Қримдан кўчирилган 16175 киши (3958 оила) жойлаштирилди, улардан эркаклар – 2594 киши, аёллар – 5406 киши, 16 ёшгача бўлган болалар – 8175 кишини ташкил этди². Улар вилоятнинг 13 та туманига жойлаштирилган. Махсус кўчирилганларни озиқ – овқат, уй жой ва иш билан таъминлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, хўжалик жойлашуви, уларнинг ҳуқуқий аҳволини тартибга солиш тўғрисида иттифоқ ва республика ҳукумати томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Қрим татарларидан иборат махсус кўчирилганларни жойлаштириш муносабати билан 1944 йилнинг 16 майида СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг “Ўзбекистонда НКВД махсус комендатураларини ташкил этиш

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 107.

² Раҳманкулова А. XX асрнинг 30–40 – йилларида Фарғона вилоятига зўрлик билан кўчирилган халқлар тарихидан./ “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзuidaги Республика илмий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2012. 178-бет.

тўғрисида”ги буйруғи чикди¹. Бу ҳолат 1945 йил 8 январда “НКВДнинг махсус комендатуралари ҳақидаги низом”нинг қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Фақат Фарғона шаҳри ва вилояти туманларида 33 та махсус комендатура ташкил этилиб, махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқлари шу комендатуралар орқали тартибга солинган. Махсус кўчирилганлар Фарғона вилоятидаги Озиқ-овқат, Енгил саноат, Маҳаллий саноат, Электр станциялар, Нефть саноати, Химия саноати, Қурилиш материаллари, Соғлиқни сақлаш, Маориф, Пахтачилик вазирликларига тегишли корхоналар, муассасалар ҳамда колхоз ва совхозларга бириктирилиб, иш билан таъминланганлар. Жумладан, Фарғона шаҳридаги тўқимачилик комбинатида 92–махсус комендатура ташкил этилиб, бу ерда Қрим татарлардан – 1886 киши, Шимолий Кавказдан – 2 киши жойлаштирилган².

1944 йилнинг 5 сентябридаги ҳолат бўйича кўмир, нефть, ўрмон хўжалигида, рангли ва қора металлургия саноатида, қурилишда кимё саноатида, шунингдек, НКВД хўжаликларида 39800 нафар чечен, ингуш, қорачой ва болқорлар, 35 минг қрим татарлари, 13700 қолмиқлар меҳнат қилмоқда эди. Депортация қилинганларнинг асосий кўпчилиги қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланганлар. Хусусан, Ўзбекистонга кўчирилган халқлар асосан қишлоқ хўжалиги ишларига сафарбар қилинган.

Депортация қилинган халқларнинг кўпчилиги жумладан, Ўзбекистонга ҳам зўрлик билан бадарға қилинди. Бу ерга дастлаб корейслар кўчирилди. СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши билан ВКП(б) МКСнинг “Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара туманларидан корейсларни кўчириш” тўғрисидаги 1937 йил 21 августдаги қўшма қароридан кейин дарҳол 1937 йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида Ўзбекистонга 74500 корейс (16307 оила) кўчириб келтирилди. Уларнинг маълум қисми 1939

¹ Ўша ерда.

² Ўша ерда 179-бет.

йилда Мирзачўлнинг Ўзбекистон қисмига жойлаштирилди. Шундан кейинги йилларда қрим татарлари, месхети турклари, курдлар, хемшин (хемшил)лар, шимолий Кавказ халқлари, қалмиқлар, греклар, поляклар ва бошқа миллат вакиллари кўчириб келинди. 1930-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жиҳатидан мамлакатда охирги ўринлардан бирида турар, нафақат кўчириб келтирилувчилар учун балки ўз аҳолиси учун моддий турмуш шароитини таъминлашга ҳам қийналган вақти эди.

Қурилиш материаллари, ғалла ва гўшт бошқа республикалардан келтирилиши сабабли уй-жой масаласи таранг ва озиқ-овқат маҳсулотлари етишмас эди. Тиббиёт ходимлари етишмас, аҳоли учун кўп миқдорда дори-дармон талаб қилинар эди. Республикада 10 минг кишига бор-йўғи 4,7 шифокор тўғри келар, тиббиёт хизмати сифати жуда паст даражада эди. Зеро, Республикада турли юқумли касалликлар, безгак, қизамиқ ва бошқалар авж олган эди.

Шунга қарамай, Ўзбекистон ҳукумати, Ўзбекистон халқи кўчириб келтирилган барча кишиларни қабул қилиш, жойлаштириш ва иш билан таъминлаш учун ўша мураккаб шароитларда ҳам имкони бўлган барча ишларни амалга оширди.

Хуллас, депортация сиёсати натижасида миллионлаб кишилар, уларнинг аксарияти мутлақо айбсиз равишда азият чекканлигини таъкидлаш лозим. Депортация ғайри-қонуний усуллар ва бениҳоя қаттиққўллик билан амалга оширилди. Халқларнинг кўчирилиши ўзининг моҳият-эътибори билан миллатчилик ҳаракати бўлмай, балки сиёсий мулоҳазалар билан ўтказилган эди.

Ўзбекистонга урушнинг дастлабки йилларида қисқа вақт ичида Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан бутун-бутун заводлар, фабрикалар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, кутубхоналар, лойиҳа ташкилотлари эвакуация қилинди. Улар Ўзбекистонда асосий ишлаб чиқариш ходимлари билан бирга

жойлаштирилиб, ходимларнинг кўпчилиги эса ўз навбатида оилалари билан келган эдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга 90 та завод асосий кадрлар таркиби билан кўчириб келтирилди. Ўзбекистонга кўчирилган салкам 1 млн. кишининг 70% и Россиядан келган эди.

Шунингдек, уруш йилларида мамлакатнинг ғарбий оккупация қилинган жойларидан турли миллатларга мансуб кўплаб кишилар оммавий равишда бу ерга қочиб келишга мажбур бўлган эдилар. Ўлка халқларининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, байналминал тарбияси уруш йилларида, айниқса қочқинларни қабул қилиб олишда яққол намоён бўлди. Кўпгина ўзбек оилалари ота-онаси урушда ҳалок бўлган турли миллат фарзандларини ўз қарамоғига олиб, асраб олдилар.

Шу йилларда ҳам Ўзбекистонга бошқа халқларнинг вакиллари (поляклар, қрим татарлари, болқорлар, месхети турклари ва бошқалар)ни депортация қилиш жараёни давом этди. Масалан, месхети турклари 1944 йилда Грузиянинг жанубий ва жануби-ғарбий туманларидан кўчирилди. Мажбуран кўчирилган 115 мингдан ортиқ кишининг аксарияти “махсус кўчирилганлар” ҳуқуқи билан айнан Ўзбекистонга олиб келиниб жойлаштирилди.

1944 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар ижро қўмитаси ҳузурида махсус кўчириш бўлими ташкил этилди. 1946 йил феввалида унинг номи кўчириш бўлими деб ўзгартирилди. Мазкур бўлимнинг маълумотларига кўра, 1944 йилнинг ноябрида 566 месхети турк хўжалиги (2260 киши) Сирдарё туманига, 463 хўжалик (1787 киши) Мирзачўл туманига жойлаштирилган.

Турмуш шароитлари оғирлиги боис, ушбу кўчирилганларнинг бир қисми вафот этган, шунга қарамай, 1946 йилда Ўзбекистонда махсус кўчириб келтирилган турли миллат вакилларида 179992 киши яшар эди.

Махсус кўчириб келтирилганларни республикалар бўйича ҳисобга олиш миқдори тўғрисидаги архив маълумотларига кўра, 1950 йил 1 июлда

Ўзбекистон ССРда махсус кўчириб келтирилганлардан 184122 киши бор эди. Улар орасида собиқ қулоқлардан 5860 киши, “власовчи”лардан 842 киши, Кримдан 126114 киши, Грузиядан 41885 киши, немислардан 7788 киши, Шимолий Кавказдан 884 киши, қалмиқлардан 746 киши, Молдавиядан 3 киши бор эди¹.

1953 йил 1 апрелда Ўзбекистондаги махсус кўчирилиб келтирилганлар 188689 кишини ташкил этди. Шундан 52.924 киши эркалар, 73139 киши аёллар, 58996 киши 16 ёшга етмаган болалар эди³.

Собиқ СССРдаги республикалар, ўлкалар ва областларда жойлаштирилган махсус кўчириб келтирилганларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар (контингентлар бўйича) қуйидагича: махсус кўчириб келтирилганлар орасида ўзга давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар 2743 киши бўлса, шундан 2472 киши Грециядан, 7 киши Эрондан, 208 киши Туркиядан, 1 киши Германиядан, 3 киши Польшадан, 1 киши Руминиядан, 53 киши фуқаролиги бўлмаган шахслар эди.

1952 йил 1 июлда Ўзбекистон ССРда ҳисобда бўлган 186310 нафар махсус кўчириб келтирилганлар республика вилоятларида қуйидагича жойлаштирилган эди. Андижон вилоятида 21395 нафар, Бухоро вилоятида 7307 нафар, Самарқанд вилоятида 45246 нафар, Қашқадарё вилоятида 6800 нафар, Наманган вилоятида 11960 нафар, Сурхондарё вилоятида 142 нафар, Тошкент вилоятида 62358 нафар, Фарғона вилоятида 29967 нафар, Хоразм вилоятида 82 нафар ва Қорақалпоғистон АССРда 146 киши эди.

Янги архив маълумотларига биноан бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Депортация сиёсати оқибатида собиқ СССРнинг бошқа минтақалари каби Ўзбекистон ҳудудида ҳам зўрлик билан этник

¹ Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. Т., Университет, 2004. 87-бет.

озчиликлар яшайдиган жойлар вужудга келтирилди. Ўша пайтда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жихатдан бунчалик кўп кўчириб келтирувчиларни қабул қилишга тайёр эмас эди. Аммо, бу тадбирлар қисман ҳарбий-стратегик тусда бўлганлиги учун шошилиш равишда амалга оширилди, шунинг оқибатида республика ҳукумати қатор мураккаб вазифаларни ҳал қилиши лозим бўлди.

1953йилнинг 1январида Ўзбекистон ССРдаги махсус кўчирилганлар сони 188689 та бўлган. Улардан 52924 таси эркалар, 73139 таси аёллар 58996 таси эса 16 ёшгача бўлган болалар бўлган. Махсус кўчирилганлардан 2743 нафари ўз статусига кўра “фуқаролиги йўқлар” ҳисобланган. Улардан 2472 таси Грециядан, 7 таси Эрондан, 208 таси Туркиядан, 1 таси Германиядан, 3 таси Польшадан, 1 таси Руминиядан келиб қолган муҳожирлар бўлган. Қолган 53 кишининг умуман ҳеч бир давлат фуқаролиги бўлмаган. Ўзбекистон ССР ҳудудларидаги махсус кўчирилганлар миқдори ва уларнинг контингенти ҳақидаги маълумот куйидаги жадвалда келтирилган:

1953 йилнинг 1 январида Ўзбекистон ССРдаги махсус кўчирилганлар миқдори ҳақида маълумот¹

Контингентлар	Мавжуд миқдори				Бундан ташқари		Жами рўйхатга олин- ганлар
	ойла	киши	Улардан		Қидир- увда	Қамоқда	
			Ўсмир- лар	16 ёшгача болалар			
Қолмиқлар	224	794	551	243	-	14	808
Власовчилар	-	216	216	-	6	95	317
Молдавия ССРдан	1	10	8	2	-	-	10
Қримдан келган:	32263	130856	91555	39301	101	2774	133731
Улардан: татарлар	30882	125519	87392	38127	97	2732	128348
греклар	1068	4065	3185	880	1	31	4097
арманлар	99	379	304	75	-	2	381
болгарлар	14	53	40	13	-	-	53
Қримдан келган, лекин махсус кўчирилган	200	840	634	206	3	9	852

¹ Депортации народов СССР (1930-1950-е годы). 1 часть. Документальные источники ЦГАОР высших органов власти и органов госуправления СССР. Материалы к серии «Народы и культуры». Выпуск 12. – Москва: 1992. – 229-241.

бўлмаганлар							
Грузиядан келган:	10756	43611	26888	16723	39	217	43867
Улардан:							
турклар	7407	30399	18664	11735	35	154	30598
курдлар	135	666	396	270	-	1	667
хемшиллар	-	2	2	-	-	-	2
маҳаллийлар	1230	4603	3291	1312	3	58	4664
Ҳукумат қарори билан сургун қилинганлар	381	1431	1068	363	-	20	1451
Мобилизация қилинганлар	213	1010	788	222	-	14	1024
Репатриация қилинганлар	192	910	615	295	5	270	1185
Махсус кўчирилган немислар қаторига крмайдиган бошқа миллатлар	5	42	42	-	-	-	42
Шимолий Кавказдан келган:	335	1572	1041	531	2	16	1590
Улардан:	150	818	558	260	1	2	821
қорачойлар							
болқорлар	101	409	250	159	-	1	410
чеченлар	53	175	119	56	-	5	180
ингушлар	29	159	106	53	1	7	167
Шимолий Кавказдан келган, лекин махсус кўчирилганлар қаторига крмайдиган бошқа миллатлар	2	11	8	3	-	1	12
Жами:	45600	185055	126063	58992	156	3478	188689

Депортация қилинганлар махсус кўчирилган – кулоқлар таркибига крмаган. Уларга (корейслардан ташқари) махсус комендатуралар хизмат кўрсатган. Яъни юқоридагилар район махсус комендатуралари рўйхатида турган. Корейслар эса ўз мақомига кўра “маъмурий сургун қилинганлар” ҳисобланиб, улар махсус сургун қилинганлар қаторида турмаган. Шу боисдан ҳам, юқоридаги жадвалда Ўзбекистон ССРдаги корейлар миқдори ҳақида маълумот берилмаган.

1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Ўзбекистонда 444,8 минг татар, 138,5 минг корейс, 94,3 минг яҳудий, 87,4

минг украин, 40,5минг арман, 27,4 минг озарбайжон ва шу кабилар яшар эдилар.

1939-1959 йилларда айрим миллатлар бўйича Ўзбекистон аҳолиси сонининг қиёсий кўпайиши, шунингдек мазкур даврда аҳолининг миллий таркибида содир бўлган ўзгаришлар қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

1939 ва 1959 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби¹

Миллати	1939 йил		1959 йил	
	минг киши	%	минг киши	%
Жами аҳоли	6.271,3	100,0	8.105,7	100,0
шу жумладан:				
ўзбеклар	4.081,1	65,0	5.031,3	62,2
қорақалпоқлар	181,4	2,8	168,3	2,1
руслар	727,3	11,5	1.090,7	13,4
татарлар	147,2	2,3	444,8	5,5
қozoқлар	305,4	4,8	335,3	4,1
тожиклар	317,6	5,1	311,4	3,8
корейслар	72,6	1,2	138,5	1,7
яхудийлар	50,7	0,8	94,3	1,2
қирғизлар	89,0	1,4	92,7	1,15
украинлар	70,6	1,1	87,9	1,1
туркманлар	46,5	0,7	54,8	0,7
озарбайжонлар	3,6	0,05	40,5	0,5
арманлар	20,4	0,3	27,4	0,35
уйғурлар	50,6	0,2	19,3	0,2
молдованлар	12,5	0,2	14,6	0,15
бошқирдлар	7,5	0,1	13,5	0,15

¹ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. Т., Университет, 2002. 176-177-бетлар.

белоруслар	4,0	0,07	9,5	0,1
осетинлар	19	0,03	8,8	0,1
лўлилар	5,4	0,1	7,9	0,1
чувашлар	2,9	0,02	5,2	0,05
Доғистон элатлари	-	-	3,3	0,04
грузинлар	2,6	0,02	2,5	0,02
бошқалар	69,8	1,1	90,2	1,28

1939 йилга нисбатан республика аҳолиси умумий сонида ўзбекларнинг улуши 1959 йилда 28%га қисқарди ва 62,2%ни ташкил қилди. Таҳлил этилаётган йигирма йил мобайнида ўзбекларнинг сони 1 миллион кишига кўпайди, бунда урушнинг салбий оқибатларини ҳам эътиборга олиш керак. Шу вақт ичида Ўзбекистоннинг миллий таркибида татарлар, корейслар, яҳудийлар, арманлар, озарбайжонлар ва бошқаларнинг улуши ўсди.

3.2. Ўзбекистонга депортация қилинганларнинг меҳнат фаолияти ва тарихий тақдири

Давлат депортация қилинган халқларни сургун жойида хўжалик жиҳатдан уюштириш ва уй-жойлар қуриш мақсадларига кредитлар ва пул ссудалари ажратди. Масалан, СССР Мудофаа Давлат Комитетининг 1944 йил 11 майдаги “Қрим татарлари тўғрисида” қарорининг 4-пунктида: “Қишлоқ хўжалик банки (ўрт. Кравцов) Ўзбекистонга юборилаётган махсус кўчирилганларни жойлаштириш, уй-жойлар қуриш ва кўчирилганларнинг хўжалик манфаатлари учун ҳар бир оилага ссуда тариқасида 5000 рублдан маблағ ажратсин”, деб белгиланган эди. Бу маблағларни кўчириб келтирилганлар 7 йил давомида давлатга қайтаришлари шарт эди.

СССР НКВД Махсус кўчирилганлар бўлими оператив вакили Богомоловнинг 1945 йил 13 июндаги маълумотига кўра, СССР Мудофаа Давлат Комитетининг 1944 йил 11 майдаги № 5859 сонли қарорига кўра Ўзбекистонга Қримдан депортация қилинган махсус кўчирилганларга тарқатиш учун 3312 тонна ун ва 1020 тонна ёрма ажратилган. Бундан ташқари СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1944 йил 25 сентябрдаги № 6600 сонли қарори билан улар учун 6060 тонна ғалла ҳам ажратилган. Мазкур озиқ-овқатлар 147 мингдан ортиқ киши учун ажратилган бўлиб, булар кўчирилганларни тўла таъминлашга етмас эди. Марказ томонидан озиқ-овқат таъминоти 1945 йил февраль ойида тўхтатилган¹.

Қримдан кўчириб келтирилган аҳолининг 84 мингдан ортиғи меҳнатга яроқсизлар бўлган, яъни уларнинг 13 мингтаси қариялар ва 71 мингтаси ёш болалар эди. Улар озиқ-овқат таъминоти масаласида жуда оғир аҳволда қолганлар. Кўчириб келтирилганлар орасида очлик бошланган, очлик орқасидан турли касалликлар авж олган. Шунинг учун депортация қилинганларни зудлик билан жойлаштириш, уларга колхоз ва

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. / Сост. Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов; Под ред. Д.А. Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 374.

совхозлар томонидан ҳам озиқ-овқат томонидан ёрдам кўрсатиш зарур бўлган.

Қримдан кўчириб келтирилганлар таъминоти учун ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети меҳнатга яроқсиз қариялар ва болалар таъминоти учун 1945 йил июнь-июль ойларида ҳар бир киши учун ойига 5 килограммдан ғалла ва 1 килограммдан ёрма тарқатишни зиммасига олган. Бу мақсадлар учун ЎзССР ХКС қўшимча 840 тонна ғалла ва 168 тонна ёрма ажратилишини Марказдан илтимос қилган¹.

Грузиядан ва Қримдан кўчириб келтирилганлар дастлабки даврларда қийин аҳволда қолганлар. Айниқса, улар озиқ-овқат масаласида ночор аҳволда қолган эдилар. Буни эътиборга олган Ўзбекистон ССР ҳукумати республиканинг имкониятларидан ҳам депортация қилинганларни имкон қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини кўрди.

1946 йилнинг 30 январида ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг №156-11с сонли “Қримдан ва Грузия ССРдан келган махсус кўчирилганлардан шароити оғирларига ғалла бериш тўғрисида” қарори қабул қилинади². Мазкур қарор бўйича Қрим ва Грузия ССРдан кўчириб келтирилганлардан қийин аҳволда қолганларга сотиш учун давлат фондидан имтиёзли нархларда 1200 тонна ғалла ажратиш кўзда тутилган. Ушбу ғалла тегишли областлар ижроия комитетлари томонидан 1946 йилнинг биринчи ва иккинчи чорагида тақсимланиши кўрсатилган. Ажратилган ғаллани биринчи навбатда қийин аҳволда қолган оилаларга бир киши учун ҳар бир кварталда 3,5 килограммдан тақсимлаш белгиланган. Ажратилган ушбу 1200 тонна ғалла областлар бўйича қуйидагича тақсимланган:

¹ Ўша манба. 375-бет.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. том 2. – С. 375-376.

№	Областлар	Жами ғалла	Шундан	
			1946 йил 1-чоракда	1946 йил 2-чоракда
1	Тошкент области	390,1	195,2	195,2
2	Самарқанд области	286,0	143,0	143,0
3	Фарғона области	184,0	92,4	92,4
4	Андижон области	145,0	72,5	72,5
5	Наманган области	92,4	46,2	46,2
6	Бухоро области	51,0	25,5	25,5
7	Қашқадарё области	50,4	25,2	25,2
8	Жами:	1200,0	600.0	600.0¹

Ажратилган ушбу ғалланинг 525 тоннаси 1946йилнинг 1 апрелигача тегишли областларда 24134 оилага тақсимланган, ёки 108580 киши озиқ-овқат билан таъминланган. Тақсимот пайтида ғалла фондининг талон-тарож қилинишига йўл қўйилмаган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси А. Абдурахмоновнинг 1946 йил 26 августда Ўзбекистондаги депортация қилинганлар контингентининг умумий ҳолати ҳақида СССР Ички ишлар министрлигига йўллаган ахбороти диққатга сазовордир. Бу ахборотда келтирилишича, Қрим ва Грузиядан Ўзбекистонга депортация қилинган махсус кўчирилганларни бу ерда жойлаштириш, уларни хўжалик жиҳатдан уюштириш ва меҳнат фаолиятларини йўлга қўйишда катта моддий ёрдам кўрсатилган.

1946 йил 1 сентябригача махсус кўчирилганларга Сельхозбанк орқали уй-жойлар қуриш ва хўжаликларини тиклаш мақсадлари учун 40 миллион сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилган. Шунингдек, уларга қайтармаслик имтиёзи билан 7564 минг сўм маблағ берилган.

¹ Ўша манба. 377-бет.

Пул маблағларидан ташқари махсус кўчирилганларга ва уларни қабул қилиб олган колхозларга 23300 бош қўй, 8900 бош бузоқ, 348 та эшак, 3008 та от, 114 та хўкиз берилган¹.

Колхозларга жойлаштирилган махсус кўчирилганлар учун 4663 тонна ун, 10992 тонна ғалла ва 1191 тонна крупа (ёрма) тарқатилган. Бундан ташқари, махсус кўчирилганларга уй-жойлар қуриш учун ва томорқа сифатида 35250 та участка ажратилган. 1945-1946 йиллар учун уруғликлар сотиб олишга махсус ссудалар ҳам ажратилган.

Жойлаштирилган махсус кўчирилганлар учун 50 000 метр газлама ва 116 тонна жун тарқатилган. Айни вақтда 5160 нафар ота-онасиз қолганлар болалар уйларига жойлаштирилган.

Махсус кўчирилганлар Ўзбекистонга келишлари билан уларни турар жойлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилган. Дастлабки даврда улар қишлоқларда маҳаллий аҳолининг уйларига жойлаштирилган. Маҳаллий аҳоли депортация қилиб келтирилган қрим татарлар ва месхети туркларига ўз ихтиёрлари билан хонадонларидаги ортиқча уйларни бўшатиб берганлар.

Колхозлар ва совхозларда кўчириб келтирилганларни зудлик билан турар жойлар билан таъминлаш учун тезкор ишлар олиб борилган. Жумладан, колхоз ва совхозлар тасарруфидаги ва бошқа муассасалар ихтиёридаги ёрдамчи бинолар зудлик билан таъмирланган ва яшаш учун қулай ҳолатга келтирилган. 1946 йилнинг август ойига келиб, Қрим ва Грузиядан депортация қилинганлардан 30130 та оила яшаш учун қулай уйларга жойлаштирилган. Кўчириб келтирилганлардан ноқулай шароитда яшаётганлар учун янги уй-жойлар қуриш мақсадларига 14670 та хўжаликка қурилиш материаллари ажратилган. СССР Мудофаа Давлат Комитетининг 1944 йил 25 сентябрдаги № 6600 сонли қарорига биноан,

¹ Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. / Сост. Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов; Под ред. Д.А. Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 386-387.

1944 йилнинг тўртинчи чорагида ва 1945 йилнинг биринчи чорагида махсус кўчирилганларга уй-жойлар қуриш учун 40 минг кубометр ёғоч-тахта, 48 тонна мих, 15 минг квадрат метр ойна ва 300 тонна темир ажратилган. Лекин ажратилган бу қурилиш материалларининг бир қисми Россиянинг тегишли заводларидан етиб келмаган. 1946 йилгача фақат 14 тонна мих, 6000 кв. метр ойна етиб келган, холос¹. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси А. Абдурахмонов Ички ишлар министрлигига йўллаган ахбороти якунида халигача келтирилмаган қурилиш материаларини келтиришда амалий ёрдам берилишини сўраган.

Қрим ва Грузиядан депортация қилинган аҳоли (улар асосан қрим татарлари ва месхети турклари эди) аксарият қишлоқ жойларга жойлаштирилган. Аввалги даврдаги сургун қилинган “қулоқлар”дан фарқли ўлароқ булар кимсасиз, чекка ҳудудларга эмас, балки маҳаллий аҳоли истиқомат қилаётган жойларга – колхоз ва совхозлар ҳудудига жойлаштирилган. Бугунги кундаги кексаларнинг ҳам хотирлашларига кўра, қрим татарлари кўчириб келтирилганларида кеч куз бўлган. Шунинг учун ҳам улар маҳаллий аҳолининг уйларига жойлаштирилган. Аҳоли қрим татарларни ўз биродарларидек кутиб олган, уларга ўз уйларидан хоналар ажратиб бериб, озиқ-овқатларини биргаликда баҳам кўрган.

Қрим татарлари ва месхети турклари кўчиб келишлари биланоқ маҳаллий аҳоли билан бирга қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ёнма-ён туриб меҳнат қилганлар. Улар тезда пахтачилик ишларини ўзлаштириб олганлар. Қрим татарлари ва месхети турклари ичида қишлоқ хўжалик техникасини яхши тушунадиган эркаклар кўп бўлгани учун (маҳаллий аҳоли орасида бундайлар нисбатан кам эди, мавжудлари ҳам урушда эди) улар асосан колхоз ва совхозлар гаражида инженер, механик, тракторчи ва ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлаган. Айни вақтда кўчириб келтирилганлар орасида бухгалтерлар, ҳамширалар, ўқитувчилар кўп

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. – С. 387-388.

бўлгани учун улар колхозларда ва тегишли район марказларида ўз соҳалари бўйича ишлай бошлаганлар. Уларни ўз ихтисосликлари ва соҳалари бўйича ишга қабул қилишда ҳеч қандай чекловлар бўлмаган. Фақат, кўчириб келтирилганлар “махсус кўчирилган” статусида бўлиб, улар район марказларидаги махсус комендатуралар рўйхатида турган ва ҳар ойда рўйхатдан қайта ўтиб турганлар. Улар бирон бир қўшни районга ёки вилоятга бориб келишлари учун район комендантларидан руҳсат олишлари шарт эди.

Умумий ҳолда Қрим ва Грузиядан кўчириб келтирилганлар Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида яшаш учун қулай шароитларга эга бўлган. Лекин, улар келтирилган вақтда ҳали уруш якунланмаган, уруш йилларининг машаққатлари уларнинг ҳам бошига тушган. Барчага маълумки, Ўзбекистон ҳудудларида бевосита уруш ҳаракатлари олиб борилмаган бўлсада, бу ерда ҳам аҳвол ниҳоятда оғир эди. Барча етиштирилган маҳсулотлар уруш эҳтиёжларига сарфлангани учун биринчи навбатда озиқ-овқат масаласида қийинчиликлар бор эди. Депортация қилинган халқларни ҳамма вақтлар ҳам етарли даражада озиқ-овқат билан таъминлаш имкони бўлмаган. Иккинчи бир томондан депортация қилинганлар ўзлари билан деярли ҳеч нарса олиб келмаганлар.

Ўзбекистонга депортация қилинганларнинг маҳаллий шарт-шароитларга ва иқлимга кўникиши ҳам қийин кечган. Дастлабки йилларда улардан аксарияти иқлим ўзгариши ва бошқа шароитларга кўниқолмай юрган. Турли касаллик ва йўл азобларидан бир қанча қариялар ва ёш болалар ўлиб кетган. Лекин, уруш якунланиб, маҳаллий шароитлар ҳам ўнгланиб борган сари уларнинг маҳаллий шароитларга кўникиши анча тезлашган.

1943 йил 27 декабрда СССР Олий Советининг, 28 декабрда эса СССР Халқ Комиссарлар Советининг “Калмикия Автоном Совет Социалистик Республикасини тугатиш ва қолмиқларни Олтой,

Краноярский ўлкаларига, Омск ва Новосибирск областларига сургун қилиш тўғрисида”ги қарорлари эълон қилинди. Бу қарор ижроси натижасида депортация қилинган қолмиқларнинг бир қисми Ўзбекистон ССР ҳудудларига ҳам жойлаштирилган эди. ЎзССР Ички ишлар министрлиги Махсус посёлкалар бўлими бошлиғи подполковник П. Кирилловнинг 1947 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон ССРга жойлаштирилган қолмиқ махсус кўчирилганларининг хўжалик-меҳнат шароитлари тўғрисида” докладида уларнинг умумий аҳволи ёритиб ўтилган.

Маърузада айтилишича, 1947 йил 1 июль ҳолатида Ўзбекистон ССРда 605 кишидан иборат 224 қолмиқ оиласи бўлган. Улардан 200 таси эркаклар, 210 таси аёллар ва 195 таси 16 ёшгача бўлган болалар бўлган. Бу оилалар Қорақалпоғистон АССРнинг Мўйноқ районига жойлаштирилган. Уларнинг асосий қисми Мўйноқ балиқ комбинатида ишлаганлар.

Қолмиқ махсус кўчирилганларининг меҳнатга яроқлилари 321 нафар бўлиб, улардан 297 таси доимий иш билан машғул бўлган. Айни вақтда қолмиқ оилаларидан қисман меҳнатга яроқли деб ҳисобланганлар ҳам турли ишларда ёрдам бериб турган. Улар асосан қоникарли меҳнат қилганлар. Махсус кўчирилган оилаларнинг барчаси турар жойлар билан тўла таъминланган. Барча оилалар яшаш учун қулай квартираларга жойлашган. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа маиший буюмлар билан таъминлашда маҳаллий аҳоли билан тенг ҳуқуқ белгиланган. Иш жойларида ҳам махсус кўчирилганларга комбинатнинг қолган ишчилари билан бир хил нормада озиқ-овқат улушлари бериб берилган. Бу таъминотда йил давомида узилишлар содир бўлгани йўқ¹.

ЎзССР Ички ишлар министрлиги Махсус посёлкалар бўлими бошлиғи подполковник П. Кирилловнинг 1947 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон ССРга жойлаштирилган қорачой махсус

¹ Трагедия среднеазиатского киблака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. документы и материалы. Том 2. – С. 388-389.

кўчирилганларининг хўжалик-меҳнат шароитлари тўғрисида”ги бошқа бир докладида эса Ўзбекистон ССРга депортация қилинган қорачойлар ҳақида маълумот берилган. Маълумотда айтилишча, 1947 йил 1 июлида Ўзбекистонда 325 кишидан иборат 88 та қорачой миллатига мансуб махсус кўчирилганлар бўлган. Улардан 37 таси эркаклар, 92 таси аёллар ва 196 таси 16 ёшгача бўлган болалар эди. Қорачойлар Тошкент областининг Ховос районидаги №2 “Боёвут” пахтачилик совхозига жойлаштирилган. Қорачой махсус кўчирилганларидан 95 нафари меҳнатга яроқлилар бўлиб, улар совхозда пахтачилик ишлари билан шуғулланган.

Қорачой махсус кўчирилганларидан 8 таси ўрта махсус ва олий маълумотли бўлиб, улардан 2 таси ўқитувчи, 3 таси тиббиёт ходими, 3 таси молия ва бухгалтерия ходими бўлган. Уларнинг барчаси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар.

Кўчирилганлар орасида квалификацияли ишчилар (тракторчилар, комбайнчилар, слесарлар ва бошқалар) ҳам бўлиб, улар 18 кишидан иборат. Улар ҳам ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилган. Қолган қорачойлар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилганлар ва ишга сидқидилдан киришганлар. Улардан кўпчилиги совхоз ишидаги социалистик мусобақаларда қатнашган, улар орасидан стахановчилар, меҳнат нормасини 150-180 фоизга бажараётган илғорлар етишиб чиққан¹.

Қорачой махсус кўчирилганларининг барчаси, яъни 88 оиланинг ҳаммаси уй-жойлар билан тўла таъминланган. Улар совхоз уйларида квартирант сифатида жойлашган. Шунингдек, уларга совхоз маъмурияти томонидан ҳар бир оилага 0,075 гектардан томорқа участкалари ҳам тақсимланган. Улар озиқ-овқат, кийим кечак ва саноат моллари билан совхознинг бутун ишчилари қаторида бир хил таъминотга эга эди.

¹ Ўша манба. 389-390-бетлар.

1947 йил мобайнида махсус кўчирилган қорачойлардан жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилганлар бўлмаган.

Қуйидаги ҳужжатда Фарғона шаҳрига Қрим ва Грузиядан кўчирилган ҳамда ташкилотларда ишлаётган аҳоли тўғрисида маълумот берилган.

№	Ташкилотлар номи	Оилалар сони	Одамлар сони	Ишлаётган- лар сони	Берилган кредит суммаси
1.	Тўқимачилик фабрикаси	11	34	13	
2.	Фарғона ТЭЦ	30	109	36	55,0
3.	Тўқимачилик комбинати	159	521	250	9,6
4.	Консерва заводи	2	8	3	
5.	“Большевик” фабрикаси	4	15	33	200
6.	№3 Пахта заводи	42	109	48	80,0
7.	Гидролиз заводи	88	230	139	3,6
8.	Тери фабрикаси	16	42	12	
9.	Ипак тўқиш фабрикаси	14	68	19	40,0
10.	Вилоят ижроқўми ёрдамчи хўжалиги	2	10		
11.	Гўшт комбинати	1	5	2	
12.	Вилоят театри	1	4	1	
13.	Сут заводи	1	4	1	
14.	Вилоят ВЛКСМ	1	3	1	
15.	Вилоят алоқа	1	2	1	
16.	Махсус савдо	1	5	2	
17.	“Қизил химик”артели	3	8	5	
18.	Саноат уюшмаси	2	10	2	
19.	Вилоят молия бўлими	2	10	2	
20.	Шаҳар савдо	1	2	1	

21.	Тўқимачилик комбинати ОРС	4	27	10	
22.	“Чўян”артели	1	3	1	
23.	Ҳайвон тайёрлов	1	4	1	
24.	“Социализм”артели	1	4	1	
25.	Шаҳар саноат комбинати	2	6	2	
26.	Вилоят халқ таълими бўлими	2	10	2	
27.	№10 ёғ заводи ОРСи	-	1	1	
28.	Интернационал артели	-	11	11	
29.	Шукуров номли артел	1	11	2	
	Жами:	394	1266	583	223.2¹

Фарғона шаҳри корхоналарининг махсус кўчирилганларни қабул қилиш ҳақидаги ҳисоботларида, 1945-1946 йиллар давомида кўчирилганлар сони ортиб борганлигини кўриш мумкин. Фарғона шаҳри бўйича 1946 йил 22 январгача бўлган маълумотда Қримдан кўчирилганлар 89 та оила, 223 киши ташкил этиши, шулардан 89 та эркалар, 50 та аёллар, 57 таси мактаб ёшидаги болалар, Грузиядан кўчирилган оилалар 41 та, одамлар 90 та, мактаб ёшидаги болалар 43 та бўлганлигини кўриш мумкин.

1946 йил ўрталарига борганда махсус кўчирилган аҳолининг ҳаммаси турар жой билан таъминланди. Гидролиз заводининг ҳисоботида (1946 йил 20 июнь) мазкур корхонага 109 оила, 325 киши бириктирилганлиги, ҳамма оилалар уй-жой билан таъминланганлиги, 19 та оила уй ҳайвони олганлиги айтилади. Шу вақтга келиб, кўчирилган

¹А. Аҳмедов, С. Ҳамроқулов. Фарғона шаҳрига Қрим ва Грузиядан махсус кўчирилганлар масаласига доир.”Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Фарғона, 2012. 194-бет.

оилаларга ҳаммаси бўлиб, 143.400 сўм кредит ажратилди¹. 1953 йил 1 январгача Ўзбекистонга ҳаммаси бўлиб 188.689 киши махсус кўчирилди. Уларнинг 133.731 нафарини Қримдан кўчирилганлар, 13.867 нафарини грузинлар ташкил этган. Фарғона вилоятига депортация қилинган аҳоли 29.967 киши бўлиб уларнинг аксариятини месхети турклари ва қрим-татарлари ташкил этган.²

1951 йил 25 декабргача бўлган маълумотларга кўра, Фарғона вилоятида махсус кўчирилганлар сони 28538 кишини, шу ҳисобдан эркаклар – 7818, аёллар – 11356, 16 ёшгача бўлган болалар – 9364 кишини ташкил этди. 1953 йил 1 январгача Фарғона вилоятида жойлаштирилган махсус кўчирилганларнинг сони ва миллий таркибини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин³:

№	Республика вилоят номлари	Махсус кўчирилган-лар ва уларнинг таркиби	Амалда мавжуд бўлган-лар сони (киши ҳисобида)	Бундан ташқари		Ҳаммаси бўлиб ҳисобда турганлар (киши ҳисобида)
				Ҳибсга олинганлар	Қидирув дагилар	
1	Фарғона вилояти	Жами:	29291	487	8	29786
	Шу жумладан:	Власовчилар	5	–	–	5
		Қримдан	21050	–	–	21050
	Шулардан:	Татарлар	16468	–	–	16468
		Греклар	3945	–	–	3945
		Арманлар	111	–	–	111
		Болгарлар	20	–	–	20
		Бошқалар	840	–	–	840
		Грузиядан	7334	–	–	7334
	Шулардан:	Турклар	4471	–	–	4471
		Бошқалар	2863	–	–	2863
		Немислар	1382	–	–	1382
	Шулардан:	Маҳаллий	275	–	–	275
		Кўчирилганлар	389	–	–	389
		Мобилизацияга тортилганлар	502	–	–	502
		Репатриация қилинганлар	216	–	–	216
		Шимолий Кавказдан	15	–	–	15
	Шулардан:	Чеченлар	1	–	–	1
		Ингушлар	14	–	–	14

¹ Ўша жойда. 195-бет.

² А.Раҳмонқулова “Шўро тузумининг 30-50 йиллардаги катағонлик сиёсати ва унинг усуллари”. “Ўзбекистон тарихи” журнали.2000.№1-2.100-бет.

³ Қаранг: Земсков В. Н. Спецпоселенцы в СССР, 1930–1960. – М.: Наука, 2005. – С.223.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, келтирилган маълумотлар Фарғона вилоятига 1937–1944 йилларда кўчириб келтирилган халқларнинг сони ва миллий таркибига аниқлик киритади. Бундан ташқари, Россия ва Республикамиз архивларида топилган янги маълумотлар ушбу халқларнинг Ўзбекистонга кўчириб келтирилгандан сўнг, дастлабки йиллардаги ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволини очиқ беради.

Хуллас, Ўзбекистонга депортация қилинган халқларнинг кейинги тақдири ўзбек халқи орасида кечди. Кўчириб келтирилганлар 1956 йилгача “махсус кўчирилган” мақомида махсус посёлкалар назорати остида яшади. 1956 йилнинг август ойида СССР Министрлар Советининг қарори билан улардан махсус кўчирилганлик статуси бекор қилиниб, улар тенг ҳуқуқли фуқаролар қаторига қўшилди. Қарорга биноан мажбуран сургун қилинганларнинг аввалги ватанларига қайтиб кетишларига ҳам руҳсат берила бошлади. Лекин депортация қилинганларнинг кўпчилик қисми шундан кейин ҳам Ўзбекистонда яшашда давом этдилар ва ўзбек халқи билан қон-қариндошлик ришталарини боғладилар.

ХУЛОСА

Собиқ СССРда депортациялар айрим манбаларда қайд этилганидек, 1930-1950 йиллар оралиғида эмас, балки анча аввалроқ одат тусига кирган эди. Совет давлати қарор топа бошлаган пайтдан бошлаб шафқатсиз репрессия, шу жумладан депортация сиёсати қўлланилиб келди. Ўша пайтда рўй берган ҳар қандай ижтимоий можаро турли миллат аҳолисининг айрим гуруҳларига нисбатангина эмас, бутун-бутун халқларга нисбатан ҳам қатъий чоралар кўриш билан ҳал қилинар эди.

XX асрнинг 20-йилларида, яъни жамиятни бошқаришнинг тоталитар тизими қарор топаётган шароитда казаклар, узок Шарқда яшовчи корейслар, алеутлар, мамлакатнинг шимоли-ғарбида яшовчи финлар ана шундай репрессияларни бошидан кечирган эдилар. Табиийки, бу ўринда давлат миллий озчиликларнинг манфаатлари ва хоҳиш-истакларини эътиборга олмаган. Кейинчалик бошқа халқларга нисбатан ҳам ана шундай чоралар кўрилди. 1930-йилларда бутун дунёдаги сиёсий вазият ўзгарди, бу ҳол эса ўз навбатида собиқ СССРнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир қилмай қолмади. Натижада, совет ҳукумати барча соҳаларда бўлганидек, миллий муносабатлар соҳасида ҳам одатдагидек шафқатсиз чораларни кўра бошлади. Халқлар ўзига хос “элак”дан ўтказилиб, “ишончли” ва “ишончсиз” гуруҳларга ажратилди. Ишончсиз гуруҳлар уруш бўлган тақдирда душман томонига ўтиб кетиши мумкин деб фараз қилинди. Ўша пайтда собиқ СССРнинг ички давлат сиёсатида ҳамма жойда жосусларни кўриш, шубҳа-гумон кайфияти жамиятнинг айрим аъзоларигагина эмас, балки бутун-бутун халқларга нисбатан ҳам кучайтириб борилди. 1930-йилларда марказий матбуотда, шу жумладан, партиянинг асосий органи бўлган “Правда” газетасида жосуслар ҳақидаги хабарлар тез-тез босилиб турар эди.

Аввалига собиқ СССРнинг чегара минтақалари “ишончсиз унсурлар” дан “тозаланди”, сўнгра айти шу сабабга кўра айти шу компания чегарадан олисдаги жойларга ва бошқа халқларга: корейслар,

немислар, поляклар, курдлар, эронийлар, грекларга нисбатан ҳам қўлланила бошланди.

1944 йилда Грузиядан месхети турклари, курдлар, хемшинлар ва бошқа халқлар кўчирилганида худди шу “ишончсизлик” сабаби баҳона қилиб кўрсатилди. Юқорида кўрсатилган барча майда миллатлар хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида депортация қилинди.

1936-1944 йилларда собиқ СССРнинг чегара туманларида хали жиддий уруш ҳаракатлари бошланмай туриб, бу жойларда яшовчи халқларга нисбатан ҳам ана шундай чоралар кўрилди.

Шимолий Кавказ ва қримда яшовчи қорачойлар, чеченлар ва ингушлар, болқорлар, қрим татарлари “ватанга хиёнат қилди” деган айб билан ёппасига қувғин қилинди. Шу йўл билан уларнинг миллий давлат тузилмалари йўқ қилиб юборилди. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистонга депортация қилинган эди.

Собиқ СССРда ўтказилган депортация жараёнларининг сабабларини биринчи мартаба Россиялик олим профессор Н.Ф. Бугай қуйидаги тарзда характерлаб беради:

1) Мазкур халқлар ўрнатилган тузумни — совет ҳокимиятини, янги укладли ва социалистик ишлаб чиқариш усулини мақбул деб топмадилар. Бундай халқлар орасида казаклар ва русийзабон аҳолининг бошқа қисмлари, Болтиқбўйи ва Молдавия халқларининг айрим гуруҳлари (поляклар, украинлар, белоруслар ва бошқалар) бор эди;

2) Халқлар босқинчи давлат билан ҳамкорлик қилиши эҳтимоли бор деган баҳона билан тўсқинликнинг олдини олиш мақсадида немислар, курдлар, месхети турклари, хемшинлар (хемшиллар), греклар депортация қилинди;

3) Айрим халқлар: чеченлар, ингушлар, болқорлар, қорачойлар, қрим татарлари, болгарлар, қалмоқлар, турклар, қисман арманлар гўё Совет ҳокимияти ва Қизил Армияга қарши чиқдилар, деган айб қўйилди;

4) “Ишончсизлик” ёки “ишончсиз унсурлар” тоифасига ингерманляндлар, эронийлар, қисман курдлар ҳам қўшилди;

5) украин қўзғолончи армияси вакиллари, “власовчилар”, украин миллатчилар ташкилоти аъзолари ва бошқалар “фашистларга гумашталик қилди” деб айбланди.

Ана шу характерлашдан маълум бўлишича, собиқ СССР халқларининг депортация қилиниши турли сабаблар билан асосланган эди. XX асрнинг 30-40-йилларида аҳолининг 60 дан кўпроқ миллий гуруҳларига ана шундай репрессия чоралари кўрилган бўлса, уларнинг 15 таси тўла-тўқис депортация қилинган эди. Ўша йилларда ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион киши депортация қилинди.

Халқлар ва миллатларга нисбатан қўлланилган депортация ва катагонлар воситаси билан совет давлати бошқарув аппаратининг ҳокимияти сақлаб турилди ва мустаҳкамланди. Депортациялар мамлакатнинг деярли барча минтақаларидан асосан уч минтақа: Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчириш йўли билан ўтказилди.

Хуллас, Ўзбекистонга депортация қилинган халқларнинг кейинги тақдири ўзбек халқи орасида кечди. Кўчириб келтирилганлар 1956 йилгача “махсус кўчирилган” мақомида махсус посёлкалар назорати остида яшади. 1956 йилнинг август ойида СССР Министрлар Советининг қарори билан улардан махсус кўчирилганлик статуси бекор қилиниб, улар тенг ҳуқуқли фуқаролар қаторига қўшилди. Қарорга биноан мажбуран сургун қилинганларнинг аввалги ватанларига қайтиб кетишларига ҳам руҳсат берилди бошлади. Лекин депортация қилинганларнинг кўпчилик қисми шундан кейин ҳам Ўзбекистонда яшашда давом этдилар ва ўзбек халқи билан қон-қариндошлик ришталарини боғладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

II. Адабиётлар

1. Ата-мирзаев О., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х., Салиев А. Историко-демографическое очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: “Университет”, 2002.
2. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: “Университет”, 2004.
3. Аҳмедов А., С. Ҳамроқулов. Фарғона шаҳрига Қрим ва Грузиядан махсус кўчирилганлар масаласига доир. /”Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Фарғона, 2012.
4. Бердинских В. Спецпоселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. – М.: Новое литературное обозрение, 2005.
5. Бугай Н. Ф. За что переселяли народы // “Агитатор”, 1989. №11. с.22-25

6. Бугай Н.Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений. // «История СССР». – М.: 1991. №1.
7. Бугай Н.Ф. Депортация. // Политический собеседник. – Минск: 1990, №6.
8. Бугай Н.Ф. Правда о депортации чеченского и ингушского народа. // Вопросы истории. 1991. №7. С. 32-44.
9. Бугай Н.Ф. Выселение советских корейцев с Дальнего Востока. // Вопросы истории. 1994. №5. С. 141-148.
10. Всесоюзная перепись населения 1939 года: Основные итоги. – М.: Наука, 1992.
11. ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918-1960. / Под. пред. акад. А.Н.Яковлева. /Сост. А.И.Кокурин, Н.В.Петров. – М.: Международный фонд «Демократия», 2002.
12. Депортации народов СССР (1930-1950-е годы). 1 часть. Документальные источники ЦГАОР высших органов власти и органов госуправления СССР. Материалы к серии «Народы и культуры». Выпуск 12. – Москва: 1992.
13. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003.
14. Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документации НКВД-МВД СССР. //Социологические исследования. – М.: 1990, №11.
15. Земсков В.Н. Массовое освобождение спецпоселенцев и ссыльных (1954-1960) // «Социологические исследования». – М.: 1991, №1.
16. Земсков В.Н. Об учете спецконтингента НКВД по всесоюзных переписях населения 1937 и 1939 гг. //«Социологические исследования». – М.: 1991, №2.
17. Земсков В.Н. Заключение, спецпоселенцы, ссыльнопоселенцы, ссыльные и высланные: статистико-географический аспект. // «История СССР», 1991, №5.
18. Земсков В.Н. Депортации населения. Спецпоселенцы и ссыльные.

- Заклученные. / Население России в XX веке. – М.: 2001. Т.2.
19. Иванова Г.М. История ГУЛАГа. 1918-1958: социально-экономический и политико-правовой аспекты. – М.: «Наука», 2006. 438 с.
20. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. / Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. –М.: «РОССПЭН», 2004.
21. Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистан: история и современность. -Т.: Узбекистан, 1994.
22. Поболь Н.Л., Полян П.М. Сталинские депортации. 1928-1953. – М.: МФД: Материк, 2005.
23. Полян П.В. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. – М.: Мемориал, 2001.
24. Рахманкулова А. Депортации как инструмент советского тоталитаризма. – Общественное мнение, 2001, №2.
25. Рахмонкулова А. Шўро тузумининг 30-50 йиллардаги катагонлик сиёсати ва унинг усуллари. // “Ўзбекистон тарихи” 2000. №1-2.
26. Рахманкулова А. XX асрнинг 30-40-йилларида Фарғона вилоятига зўрлик билан кўчирилган халқлар тарихидан./ “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзуидаги Республика илмий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2012.
27. Сталинские депортации. 1928-1953. / Сост.: Н.Л.Поболь, П.М.Полян. –М.: «Материк», 2005.
28. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. – Т.: Шарк, 2006.
29. Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. / Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Фарғона: 2012.

30. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001.
31. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: «Шарқ», 2003.
32. Шамсутдинов Р., ва бошқ. Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.: Шарқ, 2006.
33. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: “Шарқ”, 2009.
34. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. /Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2001.
35. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон (илмий-амалий анжуман материаллари). Т., Ўзбекистон, 2003.
36. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тарихий жараёнлар. Илмий тўплам. – Т.: “Университет”, 2006.

III. Интернет материаллари

1. Всесоюзная перепись населения 1939 года. Национальный состав населения по регионам России. «Демоскоп».
2. Николай Бугай. Депортация народов (рус.), Научно-просветительский журнал «Скепсис».
3. Павел Полян. Принудительные миграции в годы второй мировой войны и после ее окончания (1939–1953) (рус.), memo.ru.
4. Виктор Николаевич Земсков Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. — Наука, 2003. — С. 108.
5. Павел Полян. Принудительные миграции в годы второй мировой войны и после ее окончания (1939–1953) (рус.), memo.ru.

6. Рахманкулова А. Документы ЦГА РУз по истории депортации народов в Узбекистан в 1930-е годы (на примере корейцев) //URL: <http://www.world.lib.ru> 2004.
7. Рахманкулова А. Архивные материалы по истории обустройства переселенных корейцев в Узбекистане // URL: [http:// www.world.lib.ru](http://www.world.lib.ru) 2005.